

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**



**ФАРИДИДДИН АТТОРНИНГ  
“ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” АСАРИДАГИ  
ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,  
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ**

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**

**ФАРИДИДДИН АТТОРНИНГ  
“ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” АСАРИДАГИ  
ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Шарқ адабиётининг ёрқин намояндаси, мутасаввиф олим, мутафаккир, шоир, Эрон мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири Шайх Фаридиддин Атторнинг бой маънавий меъросини тадқиқ этиш жараёнида қатор мураккабликларга дуч келинади. Улардан бири тасаввуф истилоҳлари бўлса, иккинчиси, ҳозирга қадар истеъмолда бўлган, лекин маъно ва мазмуни ўзгарган атамалар бўлиб, уларни махсус тадқиқ этиш эҳтиёжи юзага келди. Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридаги тасаввуф истилоҳлари илк бор фалсафий-ирфоний тадқиқ этилиб, илоҳий-ирфоний рамзлар билан йўғрилган истилоҳлар луғати тузилди. Мақсад мутасаввиф муҳибларини “атторона” маърифат хазинаси дурдоналаридан баҳраманд этишдир.

Мазкур луғат Фаридиддин Атторнинг тасаввуфий дунёқарашини англашга, асарнинг моҳияти, ботиний маъноларни мушоҳада қилишга даъват этади. Луғат тасаввуф таълимотига янги тафаккурда ёндашиш, танқидий, илмий мушоҳада ва мантиқий хулосалар, ўрганишнинг янги қирраларини очиб берилгани билан ҳам фалсафа, ҳам диншунослик, ҳам тасаввуф таълимоти нуқтаи назаридан муҳим илмий ва амалий қимматга эга.

Луғат мумтоз адабиёт ва тасаввуф билан қизиқувчи талабалар, магистрлар, тадқиқотчилар учун қимматли манба бўлиб, ёзма манбалар, тарихий тазкираларни ўқиб-ўрганиш ва тушуниш қийин бўлган терминларни осон ўзлаштиришда кўмак беради.

Исақова З.Р. Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридаги тасаввуфий истилоҳларнинг изоҳли луғати. – Наманган, 2023. – 100 б.

## **Тақризчилар**

**Гулчеҳра Наврўзова**

**Бухоро муҳандислик-технология институти профессори,  
фалсафа фанлари доктори**

**Жаъфар Холмўминов**

**Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори,  
фалсафа фанлар доктори (DSc)**

**Муҳаррир**

**Зилолахон Тожибоева**

Рисола Наманган давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Кенгашининг 2023 йил 28 мартдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланиб, нашрга тавсия этилган.

## СЎЗБОШИ

*Кўнгил, келган эмассен бу жаҳондин,  
Жаҳонга оташ ур, кечгил жаҳондин.  
Кўнгил мулкинда сен ҳам хилватинг қур,  
У жойдин йўл очиб, сўнг Ҳақ томон юр<sup>1</sup>.*

Шарқнинг буюк мутафаккири, форс-тожик адабиётининг даҳоларидан бири Фаридиддин Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Абу Бакр Иброҳим Нишопурий 540/1145 йилда Нишопур вилоятининг Кадкони қишлоғида туғилган. Унинг отаси шайх Иброҳим замонасининг маърифатли кишиси, аттор ва табиб бўлган. Фаридиддин Аттор бу ҳақда бир шеърда доришунос ва дўкондор бўлган “отам ҳузурига баъзан беш юз киши тўпланар эди” деб ишора қилган. Фаридиддин Аттор ота касби дорифурушлик, яъни атторлик билан кун кўрган.

Шоирнинг болалиги шоиру фузало, олиму ҳозиклар даврасида ўтган. Фаридиддин Аттор билимларим поясини “фиқҳ, тафсир ва ҳадис ташкил этади” деган бўлса-да, Нишопур ва Машҳад мадрасаларида таҳсил кўриб, нужум, ҳайъат, табобат, фалсафа, мантиқ илми бобида юксак камолот касб этган, ўз даврининг забардаст шоири, олими, хаттоти ва шайх ул-машойихи даражасига етган.

Фаридиддин Аттор кубровия тариқати асосчиси, Шайх Надмиддин Кубронинг муриди, Хоразм диёрининг “шайх ул-машойихи” даражасига эришган Мажидуддин Бағдодий (ваф. 618/1221 й.) қўлидан дарвешлик хирқасини кийган.

Фаридиддин Аттор Миср, Шом, Ироқ, Макка ва Мадина сафарида бўлиб, дин ва тасаввуф арбобларининг ҳаёти ва

---

<sup>1</sup> Шайх Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома / Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома (Мантиқ ут-тайр, Асрорнома, Илоҳийнома, Панднома, Булбулнома, Уштурнома). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – Б. 333.

ижодини ўрганган. Замонасининг илми ирфон пешвоси даражасига кўтарилиб, “фаридиддин”, яъни “динда ягона” деган юксак мақомга сазовор бўлган. Ҳали ҳаётлигидаёқ Фаридиддин Аттор Шарқнинг буюк мутафаккири, форс-тожик адабиётининг даҳоларидан бири сифатида эътироф этилган.

Фаридиддин Аттор увайсий<sup>2</sup> бўлиб, машҳур сўфий Мансур Ҳалложнинг руҳидан тарбия топган. Алишер Навоий бу ҳақда: “Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажалли қилди ва унинг мураббийси бўлибдир”<sup>3</sup> деб ёзган.

Фаридиддин Аттор 618/1221 йилда мўғулларнинг Эронга босқини пайтида Нишопурда душман қўлида шаҳид бўлган.

Фаридиддин Аттор илоҳий маърифат ғояларини тараннум этувчи 250 мингга яқин байт битган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида “Аттор асарларининг ҳажми икки юз эллик минг байтга яқин” деб кўрсатган.

Фаридиддин Аттор серқирра ва бой ижоди билан тасаввуф илмининг кенг ёйилишига улкан ҳисса қўшган. Унинг бетакрор маънавий мероси илоҳий маърифат ғояларнинг нодир хазинаси бўлиб хизмат қилади.

Фаридиддин Атторнинг маънавий мероси азим уммон бўлиб, мазкур тадқиқот уммондан қатрадир.

---

<sup>2</sup> Аллоҳ йўлига кирган ва тариқатда пири бўлмаган солиқни пайғамбар ёки машойихдан бирининг руҳи тарбия қилади. Увайс Қараний Муҳаммад (с.а.в.)ни кўрмаган, Муҳаммад (с.а.в.) ҳам уни зоҳир кўзи билан кўрмаган бўлсаларда, “Маъною руҳоният юзидин тарбият” қилганлар ва бу ришта увайсийлик дейилади.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. МАТ. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 123.

## “ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” – XI АСРНИНГ ЮКСАК БАДИЙ ИЖОД НАМУНАСИ

IX-X асрларда ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида “барча илмни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф шаклланиб, тараққий этган. Е.Бертельс тасаввуфнинг IX-XI асрларда яхлит таълимотга айланганини эътироф этган<sup>4</sup>. Ўрта асрлар жамият ҳаётида футувват ва жавонмардлик ҳаракати оммавий тус олиб, жамиятнинг турли тоифа вакиллари бирлаштирган биродарлик ташкилотлари вужудга келган. Бу даврни Р.Биринжкар “ирфоннинг шаклланиш даври”<sup>5</sup> деб, Ж.Тримингэм “хонақоҳ даври”<sup>6</sup> деб белгилашган. О.Акимушкин “муршид ва мурид мактаби анъаналари шаклланган давр”<sup>7</sup> деб қайд этган.

Бу даврда тасаввуфнинг амалий асоси ирфон аҳлининг назарий ғоялари билан мустаҳкамланиб, тасаввуфнинг илм сифатида қарор топишига замин бўлган тариқат, маърифат, ҳақиқат тушунчаларига оид қарашлар жамланган. Натижада янги ғоя ва қарашлар билан бойитилган тасаввуфий асарлар, жумладан, қисса, рисола, тазкира, мақомот, маноқиблар вужудга келган. Абдурахмон Суламийнинг “Табақот ус-суфия”, Абулҳасан Хужвирийнинг “Кашф ул-маҳжуб”, Абдулкарим Қушайрийнинг “Рисола фит-тасаввуф”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-соирин”, “Табақот ус-суфия”, Яҳё Сухравардийнинг “Китоб ҳикмат ул-ишроқ”,

---

<sup>4</sup> Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 38-39.

<sup>5</sup> Биринжкар Р. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан / пер. с перс. С.Ходжаниёзова; предисл., коммент. и общ. ред. И.А.Таировой. – Москва: Садра, 2014. – С. 12.

<sup>6</sup> Тримингэм Дж. Суфийские ордены в Исламе / Перевод с английского А.Ставицкой. Под ред. и с пред. О.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 83.

<sup>7</sup> Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем / Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в Исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской, под ред. и с предисл. О.Ф.Акимушкина. – Москва: Наука, 1989. – С. 10.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” каби тасаввуфий-ирфоний, ахлоқий-фалсафий, тарихий-манқабавий, илмий-назарий асарлар дунё юзини кўрган.

Шарқ агиографиясининг ўзига хослиги унинг тазкира<sup>8</sup>, мақомот<sup>9</sup>, маноқиб<sup>10</sup>, мақолот<sup>11</sup>, ҳолот<sup>12</sup>, манқаб<sup>13</sup>, рисола<sup>14</sup> стилида эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг ичида тазкира алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг ёрқин намунаси ахлоқий ва маънавий баркамол инсонлар ҳақидаги эсдаликларнинг танланган, адабий жиҳатдан қайта ишланган, нақл ва ҳикоят шаклига келтирилган Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридир.

Тазкиранавис мутасаввиф асар структурасини шакллантиришда қомусийликка интилган. Тазкирада машҳур авлиёлар ҳақидаги танланган эсдаликлар, васфлар, мақтовлар, ҳолотлар, нақллар, улар ҳаётидан олинган ажабтовур воқеалар, авлиёнинг тасаввуф мақомидаги ўрни, тасаввуф истилоҳларини англаш даражаси, ибратли воқеалар тасвири, бошқа авлиёлар билан айнан бир истилоҳ

---

<sup>8</sup> Тазкира – эслатмоқ, зикр этмоқ. Ўрта аср форсий ва туркий тиллардаги шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан намуналар келтириб тузилган эсдаликлар тўплами. Зикрлар мажмуи тазкира дейилади.

<sup>9</sup> Мақомот – эзгу хислатли машҳур зотнинг ўз нафсини қай даражада тарбиялаб, қандай маънавий мақомга кўтарилгани ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган сўзлари ҳақидаги қайдлар тўплами.

<sup>10</sup> Маноқиб – эзгу хулқли машҳур зотнинг фазилатлари, яхши хислатлари, эзгу ишлари, кароматлари ҳақида жамланган хотиралар тўплами.

<sup>11</sup> Мақолот – ҳажм жиҳатдан маноқибдан кичик бўлса ҳам маноқиб услубида ёзилган эсдалик. Кўпинча тазкиралар зикрлари “мақолот” деб кўрсатилиб, зикрнинг аниқловчиси сифатида қайд этилган.

<sup>12</sup> Ҳолот – машҳур зотнинг умр йўли давомида қандай маънавий-руҳий вазиятларни бошдан кечирганлиги, эзгу ишлари, қувончу изтироблари, баъзан шариятга зид, баъзан тариқатда мақбул кўрилмаган ишларни содир этиш тўғрисидаги қайдлар мажмуи.

<sup>13</sup> Манқаб<sup>13</sup> – пир-муршидлар ва нақибларнинг тарбия усуллари, тавсиялари ҳақидаги қайдлар бўлиб, маноқиб ва мақомот билан ўхшашдир.

<sup>14</sup> Рисола – машҳур олим ёки аллома тўғрисида аввал ёзилган тазкира, маноқиб ва мақомотлардан танлаб олиниб, тизимга солинган агиографик асар.



устидаги таърифот, авлиёлар нақлининг янги талқини, таълиф этилиш сабаблари, ибратли воқеалар жамланган.

“Тазкират ул-авлиё” тасаввуф таълимотидаги “таваккул”, “ишқ”, “маърифат”, “шариат”, “тариқат”, “шукр”, “ризо”, “қаноат”, “нафс”, “тавҳид”, “ҳақиқат”, “адолат”, “химмат”, “хайр”, “саховат”, “жавонмардлик” каби ирфоний истилоҳлар авлиёлар тилидан бир-биридан гўзал ва бетакрор маъноларда талқин этилган беназир асардир. Асар муқаддимасида авлиёларнинг сўзи киши қалбининг малҳами ва руҳининг қувватидир. Кимки авлиё сўзини дилига жо этса, У Қуръон ва ҳадислар мағзига эшик очади, ўзининг ҳолати, ахлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади, ҳаёт, одамийлик ўлим, охират хусусида мулоҳаза юритиб, ички оламини поклашга киришади<sup>15</sup> дейилган.

“Тазкира” сўзи эслаш, хотирлаш, зикр этиш деган маъноларни билдириши, яна бир янги мулоҳазани келтириб чиқарадики, “тазкира”нинг тасаввуфдаги зикр мақоми билан негизи бирдир. Турк олими Сулаймон Улудоғ сўзи билан айтганда, “Тазкират ул-авлиё”да нақл этилган сўфийлар сўзлари, ҳоллари ва ҳаракатлари Аллоҳни танишга васила бўлиб хизмат этгани учун ҳам “тазкира” дейилмишдир<sup>16</sup>.

Тазкиранинг бошқа адабий жанрлардан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳам қизиқарлидир. Шарқ адабиётида пайғамбарлар тўғрисидаги асарлар кўпроқ “қисса” деб юритилса, авлиёлар ҳақидаги асарлар “маноқиб”, “манқаб”, “мақолот”, “мақомот”, “ҳолот”, “тазкира” услубида ёзилган. Шу ерда англаш лозим бўлган жиҳат қуйидагилардир:

---

<sup>15</sup> Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов. Ўзбек тилига айлантирувчилар М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов. М.Ҳасаний, А.Мадраимов. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –

<sup>16</sup> Fariduddin Attar. Tazkiratu-l-avliya (Xazirlauan Sulayman Uludag). – Istanbul: 1984. – S. 14.

маноқиб парҳезкор зотларнинг яхши хулқи мақтаб ёзилган хотиралар ифодаси бўлса, мақолотда бирор авлиёнинг қисқача таржимаи ҳоли баён қилинган. Мақомотда тариқат пирларининг ибратли ҳаёти мажозий маъноларга сингдириб ҳикоя қилинган. Мақомот асрлар оша мурид тарбиясида услубий-тарбиявий қўлланма вазифасини ўтаган.

Тазкира “хос” лар китоби, танланган хотиралар тўплами бўлиб, унда зикр, нақл, ҳикоятлар тизимли баён этилган. Тазкиранинг ички қурилиши ва баён услуби Фаридиддин Атторнинг буюк мутасаввиф, файласуф, ахлоқшунос, маънавиятшунос, инсоншунос, тилшунос, тарихчи, адабиётшунос, элшунос ва зукко илоҳиётшунос сифатидаги истеъдодини тўла намоён қилган. Муаллифнинг яна бир даҳолиги шундаки, бирор шайх тўғрисида сўз гавҳарини теришда албатта ўша шайхнинг ҳаётлик даври ва вафотидан кейинги ҳолатини ихчам ва дақиқ баён этган.

Тазкиранинг яна бир ўзига хослиги ҳикоя услубининг қизиқарли ва мазмундорлиги, васф этилаётган шайх ул-машойихга берилган таъриф тавсифнинг бетакрорлиги, мақомат, ҳолат, каромат ва ишоратларининг баёнида кўринади. Рус олимаси Н.Чалисова Фаридиддин Атторнинг асар сўзбошисида айтган сўзларига таянган ҳолда “Тазкират ул-авлиё” Қуръондан кейинги мўътабар манба, чунки унда Аллоҳнинг сўзлари авлиёлар тилидан жаранглайди<sup>17</sup> деган фикрни илгари сурган.

Тазкирададаги тавсифу таърифлар ҳаққоний ифода этилган. Жумладан, Жаъфар Содиқнинг каромат, мақомат, ҳолат, ҳориқи одат, кашф ва риёзатлари бобида “У пайғамбар миллати султони, пайғамбарлик нишонининг хужжати, садоқатли олим, авлиё дилининг меваси,

---

<sup>17</sup> Чалисова Н. “Аромат” Увайса Карани в персидской поэзии и его житие в “Поминании друзей” ‘Аттара // Вестник РГГУ. Сер. История. Филология. Культурология. Востоковедение. 2015. № 3. С. 79–100.

пайғамбарлар саййидининг жигаргўшаси, ҳазрати Алининг невараси, пайғамбар ворисининг аввали, ориф ва ошиқ зот Абу Муҳаммад Жаъфари Содиқдирлар”<sup>18</sup> деб, Увайс Қараний бобида “У тобеъинлар қибласи, арбаъинлар пешвоси, пинҳон офтоб, раҳмон ҳамнафаси, Яман юлдузидир. Расулulloҳ марҳамат қилганлар: “Увайс Қараний эҳсону иффат ва тавсифда тобеъинларнинг яхшисидир!” Унинг таърифини мен қандай қила оламан? Чунки унинг таърифини қилувчи, мақтовчиси ҳазрати Пайғамбардирлар”<sup>19</sup> деб, ўз даврининг шайх ул-машойихи Ҳасан Басрий бобида “Пайғамбарлик пардаси, ёшлик соҳиби, илму амал Каъбаси, дину миллат қибласи, саҳобаи киромлардан тарбия топган зот шайх Ҳасан Басрий беҳад илм соҳиби, муомаласи чиройли зот бўлиб, доим Аллоҳнинг хавфида эди”<sup>20</sup> деб, валоятосор, маҳрами асрор Молик Динор бобида “У ҳидоятда барқарор, таваккул қилувчи валий, ростгўйлар пешвоси, йўлчилар муқтадоси, сирларга маҳрам, яхшиларга муқаддам, солиқлар пешқадами”<sup>21</sup> деб, Ҳақ дўстларидан бири Муҳаммад ибн Восеъ бобида “У зоҳидлар муқтадоси, буюк обид, олими боамал, орифи комил, қаноатли дарвеш, ўз вақтида назирини йўқ, тобеъинларга кўп хизмат қилган, шариат ва тариқатдан улуг насиба олган, риёзат ва мужоҳадатга турлук, ҳамиша қотган нон ейдиган обидлардан эди”<sup>22</sup> деб, илоҳий шаробдан маст бўлган Боязид Бистомий бобида “У Орифлар султони, ҳақиқат изловчиларнинг хужжати, илоҳий халифа, буюк муршид,

---

<sup>18</sup> Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов. Ўзбек тилига айлантирувчилар М.Ҳасаний. Ҳ.Аминов. М.Ҳасаний, А.Мадраимов. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 19.

<sup>19</sup> Ўша асар. – Б. 27.

<sup>20</sup> Ўша асар. – Б. 40.

<sup>21</sup> Ўша асар. – Б. 58.

<sup>22</sup> Ўша асар. – Б. 64.

хақиқий қутб, машойихлар каттаси, авлиёлар улуғи, одам авлоди оламининг қутби, унинг риёзат, каромат ва айтган сўзлари беандоза, ҳақиқатлар ва дақиқойиқ сирлари ичида беназир, доим қурб мақомида ва муҳаббат дарёсида ғарқ, ҳамиша тани мужоҳада ва жони мушоҳада ичида, ҳадисда ривоятлари олий, ҳеч киши ундан аввал тариқат ичида сўз сўзламади, унинг мартабаси ва камоли халқдан ортиқ эди”<sup>23</sup> деб, буюк ақл тимсоли Жунайд Бағдодий бобида “У манбаи асрор ва аброрлар етакчиси, сабақ элтган пиру устод, шайхларнинг шайхи, дунё имомларининг имоми, жумла илмлар бобида комил, фуруъ ичида тақводор, муомала, риёзат ва каромат ичида олиймақом, аввалу охир ҳолида ёқимли ва мақбул, барча кўнгилларга маҳбуб, барча унинг имомлигига яқдил, сўзлари тариқатда ҳужжат, ҳеч киши унга сўз тополмас, зоҳири ва ботини ораста, тасаввуф ичида қутб эди. Бағдод аҳли уни “саййид ут-тоифа” ва “қавм тили” дер эди. Ва тариқатда бағоят, ҳақиқатда бениҳоят, зуҳду тақво ичида бемонанд эди”<sup>24</sup> деб, тавҳид илмида беназир Мансур Ҳаллож бобида “Унинг сўзлари жуда иштиёқли, ўзи дардли, доимо жидду жаҳд ичида, риёзат ва каромат бобида комиллик даражасига етган, олийҳиммат ва баланд қадр, ҳақойиқ ва дақойиқда, маъоний ва маъорифда, фасоҳат ва балоғат ичида тенги йўқ, тафаккури ва фаросати кучли эди”<sup>25</sup> деб, мужтаҳид ва тасаввуф нуқтадони Ҳаким Термизий бобида “Суннат ҳақими, миллат азими, шайхи олам, машойих муҳташамларидан, авлиё муҳтарамларидан, барча кўнгилларда таниқли, барча тилларда таърифли, “Қуръон” маънолари бобида нишона, ахбор ва аҳодис бобида яғона, ҳақойиқ ва дақойиқ бобида ажойиб, хулқ ва олиҳимматлик билан безанган, мулойимлик ва ҳаё билан ораста, илм-

---

<sup>23</sup> Ўша асар. – Б. 162.

<sup>24</sup> Ўша асар. – Б. 341.

<sup>25</sup> Ўша асар. – Б. 448.

фанлар бобида ягона ва комил, шариату тариқат бобида мужтахид эди. У яшаган замондаги суфийларни “Термизийлар” дердилар. Унинг мазҳаби хос, ҳиммат ва саховат соҳиби, илми Раббоний эди”<sup>26</sup> деб тилга олиб, пири комилларга юксак эҳтиром кўрсатган.

Тазкира кўламига кўра, ибратли нақллар, ривоятлар, адабий хотиралар ва ҳикоятлар мажмуасидир. Асарнинг ўзига хос аспектилари конкрет тарихий шахслар ҳаётидан олинган амалий мисоллар орқали тасаввуф ғоялари ва таълимотини тарғиб этишда, тазкира қаҳрамонлари бадиий адабиёт учун прототип, тарихий таянч, хом ашё, масдар ва ижодий илҳом манбаи бўлишида, илмий асарлар учун ҳам қимматли тарихий манба эканлигида намоён бўлади.

“Тазкират ул-авлиё” қудсий нақл ва ривоятлардан тузилгани сабабли ноёб манба сифатида тарихий, фалсафий, диний, тасаввуфий, филологик, педагогик аспектда тадқиқ этиш эҳтиёжини туғдириш билан бирга “қудсий” агиография талабларига жавоб беради. Агиографик асарнинг мақсади инсоннинг ўз-ўзини англаб етишига ёрдам беришдир, яъни инсон ўзининг кимлиги, нима мақсадда яшаётгани, бурчи ва масъулияти нима эканини билса, оқил ва доно шахсга айланади. Тазкирада тилга олинган шайх ул-машойихлар хулқ-атворини тарғиб этиш муҳим бўлиб, бу орқали тарбия мезонлари шакллантирилади.

Мутасаввиф тасаввуфий истилоҳларни Ҳаққа етиш заҳмати, риёзати, тарихий воқеалар, ўз ҳаётий тажрибалари, ўтмиш машойихлари кечмишларидан юзлаб ҳикоятлар, масаллар, маъвизалар орқали истифода этганки, тасаввуф терминологиясига замонлар призмасида таҳлил этиш муҳимдир.

---

<sup>26</sup> Ўша асар. – Б. 402.

## ТАСАВВУФ ИСТИЛОҲЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ- ИРФОНИЙ ТАЛҚИНИ

IX-XI асрларда ислом дини ва илми каломда мавжуд бўлган сўз ва ибораларга янгича маъно бериш асосида истилоҳий мазмун кенгайтирилган бўлса, юксак фалсафий тафаккур, донишмандликни намоён этувчи фалсафий таҳлиллар, истилоҳ<sup>27</sup>ларнинг моҳиятини тушунтиришда бир неча маъноли атамалар, рамз ва тамсилларга таянилган.

Истилоҳлар, ўз навбатида, тафаккурий идрокнинг ифодаси, тамсилларнинг ҳиссий тасвири учун истифода этилган. Аслида истилоҳлар ҳар горизонтал, ҳам вертикал кенгайиши, унинг бошқа тиллардан янги сўзларни ўзлаштирилиши, ички сўз ясалиши, лексик ва семантик бирикмаларнинг қўлланилиши ҳисобига интернационал, яъни умумбашарий тус олган. Бир-бирининг тилини билмайдиган ажам ва араб халқлари истилоҳлар орқали маслак ва мақсадларини етказа олганлар.

Истилоҳлар терминологик тизимининг барқарорлиги унинг тартибга солинганлиги ва мунтазамлиги билан белгиланади. Синоним ва омонимлар тил бойлиги деб эътироф қилинса ҳам, терминологияда бу ҳолат салбий ҳодисадир. Изланишлар натижасида истилоҳларнинг келиб чиқиш генезиси қуйидагича белгиланди:

а) ислом дини ақидаларига тегишли тушунчалар: Ҳақ, ҳақиқат, тавҳид, аҳадият, шариат, танзих, ломакон, абад, азал, руҳ, жон, нафс, зоҳир, ботин, рўза, зуҳд, намоз, ибодат, тақво, фақр, зикр, ризқ, қаноат, сабр, ризо ва ҳоказо. Масалан, “жон” инсон руҳи, раҳмоний нафс ва Ҳақ “тажаллий”си, бирламчи борлиқ бўлиб, жисм тўрт унсур (элемент)дан таркиб топган қолипдир. “Жон” бўлмаса,

---

<sup>27</sup> Фарҳанги забони тожики. Жилди 1. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – Б. 125.

вужуд ўзича яшай олмайди, дунё тимсоли бўлган бу “вайрона”ни “жон” обод қилади. “Ошиқнинг дили дўст (Аллоҳ)га мунтазир ва беқарор талпинганидай, жисм жонга муштоқ ва муҳтождир”<sup>28</sup>. Демак, дил чироғини жон нури билан равшан этган ҳам, жонга бадан бахш этган ҳам Аллоҳнинг ўзидир. “Идрок қилувчи (ориф)нинг идрок қилинган ҳодиса (борлик) билан муштараклиги (Аллоҳ)” асосида ирфон (маърифат) ҳосил бўлади, яъни сўзлар “ишора”, яъни ишқ манбаи ҳақидаги илм сўз билан эмас, рамз, тимсол ва мажоз орқали англашилади.

б) калом илмига тегишли атамалар: зот, сифат, исм, феъл, маволид ва ҳоказо;

в) фалсафадан олинган тушунчалар: жавҳар, сурат, араз, маъно, мазмун, касрат, ваҳдат, жузъ, кулл, жамъ, тафриқа, тадриж, кашф, фаросат, зеҳн, ақл ва ҳоказо;

г) суфийлик билан параллел пайдо бўлган сўзлар: сўфий, тариқат, дарвеш, қутб, аброр, автод, хонақоҳ, хирқа, самоъ, ҳол, мақомот, сир, саҳв, сукур, тажрид, талвин, тамкин, муроқаба, мукошафа, мушоҳада, робита, таважжух, ирфон, ориф, маърифат, ҳақиқат, каромат ва ҳоказо;

д) тасаввуф адабиётидаги сўфиёна ғояларни тасвирлашда уларга жон бахш этиш, шу орқали ошиқнинг ишқдаги ҳолати бадийий, мажозий ва рамзий ифодаланган тимсоллар: ошиқ, маъшук, зулф, соч, қош, кўз, киприк, гул, сабо, қуёш, ой, юлдуз, кеча, ташна, маст, зуннор ва ҳоказо;

е) тасаввуф истилоҳлари ва рамзий тамсилларнинг бирикмалари: ваҳдат майи, қалб кўзи, бодаи ишқ, ғариби мажнун, тариқи шуттор ва ҳоказо;

ж) ислом, калом, фалсафа, тасаввуф терминологиясида мавжуд бўлган, мазмуни ва маъносига кўра турлича

---

<sup>28</sup> Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль-махдуб ли арбаб аль-кулуб) / Перевод с английского А. Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – С. 248.

истилоҳлар: аҳад, воҳид, ваҳдат, ваҳдоният, аҳадият, тавҳид. Бу ўзакдош сўзлар бир хил маънони англатса ҳам, Аҳад, воҳид – Аллоҳнинг исмлари, ваҳдоният, аҳадият – Аллоҳнинг сифатлари, тавҳид – Худонинг яккаю ягоналигини исботлаш илми бўлса, орифлар тавҳидни “иймоний”, “илмий” ва “ҳол тавҳиди” даражасида кўрадилар. Ваҳдат – Аллоҳга хос ягоналик эътиборга олинган;

з) фалсафадаги категориялар каби тасаввуфий истилоҳлар ҳам жуфт, яъни антитеза (зид маъноли) бўлиб, бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар (ваҳдат ва касрат, борлиқ ва йўқлик, кулл ва жузъ, Ҳақ ва халқ, хос ва омма, фано ва бақо, огоҳлик ва ғафлат, ақл ва қалб, саҳв ва суқр, хилват ва анжуман, зоҳир ва ботин)ни ўзаро қиёслаш орқали теран мазмун келиб чиқади.

и) тарихий ва афсонавий шахслар билан боғлиқ истилоҳлар. Хизр тириклик сувини топган ва ҳамиша ҳаёт бўлган, “Қуръон”да тилга олинган, ладун илми ва каромат соҳиби, яхшилик ва эзгулик тимсоли бўлса, Жоми Жам комил инсон қалбининг ифодаси<sup>29</sup>.

Истилоҳлар тасаввуфнинг бош ғояси бўлган дунё ва охират, моддий ва илоҳий оламини қиёслаш, инсоннинг руҳий оламини кашф этиш орқали илоҳий олам сир-асрорини тўла-тўқис англаш имконини берган. Тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақоми, рамз, тимсол, мажоз, тасаввуфий-ирфоний истилоҳ, руҳий камолот даражасининг назмий талқини Ҳаким Санойи (ваф. 1141 й.), Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 1167 й.), Фаридиддин Аттор, кейинчалик Мавлоно Жалолиддин Румий (ваф. 1273 й.), Саъдий Шерозий (ваф. 1292 й.), Маҳмуд Шабустарий (ваф. 1321 й.), Ҳофиз Шерозий (ваф. 1390 й.)

---

<sup>29</sup> Қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Жамшид “Жоми жаҳоннамо” жаҳонни кўрсатувчи жом ихтиро қилган бўлиб, унда нафақат ҳозирги, ўтмишда юз берган ва келажакда ҳам содир бўладиган воқеа-ҳодисалар акс этган – З.И.



каби орифларнинг фалсафий-ирфоний асарларида акс этган. Бу ирфонга оид истилоҳий маъноларнинг чуқур англашилиши, тасаввуф ва тариқатларнинг кенг тарқалишига йўл очган. “Ошиқ” сўфий; “маъшуқ” ориф, валий маъносида; “мастлик” сўфийлик, риндлик маъносида; “шароб” ва у билан боғлиқ воситалар хонақоҳ; “соқий”, шаробхона эгаси такка (хонақоҳ) шайхи, пир маъносида мажозий маъноларда истифода этилган<sup>30</sup>.

Идрок қилувчи (ориф)нинг идрок қилинган ҳодиса (борлик) билан муштараклиги (Аллоҳ) асосида ирфон (маърифат) ҳосил бўлади, яъни сўзлар “ишора”, яъни ишқ манбаи ҳақидаги илм сўз билан эмас, тимсол ва мажозлар орқали англантиш воситасида англашилади.

Мумтоз асарларнинг асрлар оша ўз қимматини йўқотмагани уларда акс этган ҳикматларнинг яшовчанлиги билан изоҳланади. Мутасаввифлардан ўз даврининг реакцион мафкурасига қарши тура олиш учун мақсадни аниқ ифодалашдан воз кечиш талаб этилган. Шунга кўра, ирфоний асарлар рамз, тимсол, мажозга ўралган. Бу асарларни ўқиб-ўрганиш, унинг мажозий маъноларини тушуниш ўзига яраша қийинчилик туғдирганки, оддий кишилар “араб эртақлари” деб билган “1001 кеча” мисолида фикр теран англашилади. Ҳофиз Шерозийнинг тасаввуфий руҳ яширинган “Девони”и ирфон аҳли учун ҳақиқат мақомини англашга доир ноёб қўлланма бўлса, оддий халқ “Девон”ни фол очиш китоби сифатида фойдаланган.

Илмталаблар ўзларининг маънавий-интеллектуал салоҳиятлари ва жамиятда тутган ўрниларига кўра, “хос” ва “авом”га ажралган. Бу табақаланиш “Зумар” сурасининг 9-оятидаги “Билганлар билмаганлар билан тенг бўлурму?” сўзларда дилемматик тарзда ўз ифодасини топган.

---

<sup>30</sup> Имом Абу Абдурахмон Суллабий. Табақоти суфийя. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 6.

Кейинги асрларда тасаввуфдан четлашиш билан бирга, тасаввуфий тушунчаларнинг моҳияти жузъий ўзгаришларга учраган. Жумладан, X-XI асрларда “фано” истилоҳи (йўқлик) маъносида истифода этилган бўлса, XII асрдан “фано” инсоний сифатдан инсонийликдан ҳам юқори, илоҳий сифатга ўтишни англатган<sup>31</sup>.

XXI асрга келиб, мумтоз адабиёт, тасаввуфга доир тадқиқотларда тасаввуф истилоҳларининг маънолари ўзгартирилган, истилоҳлар замонавийлаштиришга, маъно ва мазмунини бузиб талқин этишга, истилоҳларнинг асл моҳиятидан “узиб” олиб, унга янгича, мафкуравий маъно бериш (“гностик” – “ориф”)га интилиш кучайди. Шу билан бирга, айрим тасаввуф истилоҳларини идеаллаштириш, битта истилоҳни суфийнинг бош ғояси сифатида илгари суриш каби ҳолатлар истилоҳларнинг соф мазмуни очилмай қолиши, тушунмовчиликларга олиб келмоқда.

Истилоҳларнинг асл маъносини англамаслик, IX-XII асрларда ёзилган ирфоний асарларнинг туб моҳиятини ўзгартириб талқин қилишни аждодлар маънавий меросига нописанд қараш, деб баҳолаш ўринли.

Хуллас, тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақомлари, рамзлар, тимсоллар, мажозлар, тасаввуфий-ирфоний истилоҳлар, руҳий камолот даражаларининг рамзий-тамсилий ҳикоятларнинг назмий интерпретацияси фалсафий-ирфоний асарларда даражаланган ва чуқур талқин қилинган ҳолда акс этса, истилоҳлар соф назарий маънолари теран англанишига замин бўлади.

---

<sup>31</sup> Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Техрон: Пирўз, 1350. – Б. 219.

## “ҲИКМАТ МУМИННИНГ ЙЎҚОТГАНИДИР”

Ирфон Аллоҳни қалб кўзи билан мушоҳада этишдирки, инсон қалб кўзи орқали Аллоҳнинг борлиғини ҳис этади, Аллоҳнинг буюклиги ва қудрати, абадийлиги, дил чироғини ёритувчи ҳам, фикрат сабоғини берувчи ҳам, икки жаҳонни фазли билан равшан этган ҳам, икки дунёни “коф” ва “нун”дан пайдо қилган ҳам, қудрат қалами билан лавҳи адамда суврат чизган ҳам, жами махлуқот, инсон, унинг ақли, қалби ва руҳини гўзал яратган ҳам Аллоҳ эканини чуқур англайди. Ҳақ йўлчиси бу оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, сир-синоатда Яратувчининг аломатларини кўради, танийди.

Ҳикмат ҳақиқат баёнидир<sup>32</sup>. Ҳикмат пайғамбарликнинг бир жузъи бўлиб, донишмандлик, оқилоналик, фаҳм ва топқирликда намоён бўлади.

Ҳикмат орқали нарсаларнинг ҳақиқати инсоннинг ақли етадиган даражада асл ҳолида билинади. “Луқмон” сурасининг 12-оятда Луқмон (а.с.)га ҳикмат неъматини берилгани, суранинг номини ҳам ҳикмат эгаси бўлган Луқмон (а.с.)нинг исми билан аталиши ҳикматнинг юксак эътиборга эгалигини кўрсатади.

Аллоҳ Расулининг вазифаларидан асосийси одамларга ҳикматни ўргатиш, суннатга ҳикматни уйғунлаштириш, сўзда ҳам, амалда ҳам, сукутда ҳам ҳикматни кўрсатиш бўлган. Инсоннинг қалби ҳикмат булоғи бўлса, ундай қалб эгаси “ҳаким” деб аталган.

“Ҳикматга қулоқ берувчилар икки тоифа бўлади: оқил ва омил. Оқил ҳар бир ҳикматдан ҳайратга келади, ҳикматни эшитгани сари завқи ошиб боради. Омил ҳикмат таъсирида вужуди билан ўзгаради, гўёки қалби илондек тўлғанади”<sup>33</sup>.

---

<sup>32</sup> Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 67.

<sup>33</sup> Имом Абу Абдураҳмон Суллабий. Табақоти суфийя. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 75.

Бундан англашиладики, ориф ҳикматни ақлий фитрий кучига таяниб билгани учун оқилдир.

Ақли фитратдан бебаҳра бўлган инсон нарса-ҳодисаларнинг ички моҳиятини била олмайди ва ҳақиқатни рад этади. Бунинг сабаби маърифат, яъни билишнинг идрок, хиссиёт, тасаввур ва тафаккур воситасида амалга ошиши<sup>34</sup>, бу воситалар эса фақат ақлий фитратда бўлиши билан изоҳланади.

Руҳнинг малҳамию қалбнинг шифоси набийлар ва орифларнинг ҳикматли сўзларидир. Ориф “ҳикматли сўзлари билан “ўлик” қалбларни тирилтиради”<sup>35</sup>.

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида васф этилган авлиёлар ўз даври учун тўғри бўлган ва ўзига хос ғоялар мажмуини кашф этган. Бугуннинг вазифаси ёхуд мазкур луғат муаллифининг иддаоси бу ғояларни замонга кўр-кўрона кўчириш эмас.

Башарият айнаи дамда ҳикматга муҳтож. Миллати ва динидан қатъий назар, ўз ҳаёт йўлини, мақсадини йўқотиб қўйган ҳар бир инсон қалбининг илоҳийлигини англаш орқали орифларнинг ҳикматли сўзларидан баҳраманд бўла оладики, машойихнинг ҳикмат шодаларидан тузилган маърифат гулшани инсон қалбининг энг тубидаги инжуларни кашф этишга қодирдир.

---

<sup>34</sup> Ал-Ҳаким ат-Термизий. Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, 1981. – Б. 85.

<sup>35</sup> Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сирр ул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрл., сўзбоши ва изоҳлар муал. О.Жўрабоев. Масъул мух. С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 22.

## “ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” ДА ЗИКР ЭТИЛГАН ШАЙХ УЛ-МАШОЙИХНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИ

Имом Абу Ҳанифа (р.а.) деди: Оқил яхши ва ёмоннинг фарқига боради<sup>36</sup>.

Жаъфар Содик (р.а.) деди: Оқил шундайки, икки яхшилик ва икки ёмонлик орасидан, яхшиликнинг яхшироғини ва ёмонликнинг яхшисини ажратади<sup>37</sup>.

Жаъфар Содик (р.а.) деди: Халқдан кечган Ҳаққа етади<sup>38</sup>.

Увайс Қараний (р.а.) деди: Саломатлик ёлғизликдадир<sup>39</sup>.

Увайс Қараний (р.а.) деди: Ҳар киши Аллоҳни таниса, унга ҳеч нарса махфий қолмайди, яъни Аллоҳни Аллоҳ билан таниган ориф ирфон соҳибига айланади<sup>40</sup>.

Увайс Қараний (р.а.) деди: Улуғлик истадим, уни тавозеъдан топдим. Раислик истадим, уни ҳалол лукмадан топдим. Аёл истадим, уни садоқатдан топдим. Фахр истадим, уни фақирликдан топдим. Суннатни истадим, уни тақводан топдим. Шон-шараф истадим, уни қаноатдан топдим. Роҳат истадим, уни парҳезкорликдан топдим<sup>41</sup>.

Ҳасан Басрий (р.а.) деди: Дин вараъдир. Вараъда уч мақом бор: биринчи, ҳамиша ҳақ сўзни сўзлаш; иккинчи, ҳаромдан сақланиш; учинчи, ҳар бир ишни Аллоҳ ризоси учун бажариш. Вараъни бузадиган нарса эса тамаъдир<sup>42</sup>.

---

<sup>36</sup> Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Мадраимов. Ўзбек тилига айлантирувчилар М.Ҳасаний, Ҳ.Аминов. М.Ҳасаний, А.Мадраимов. – Тошкент: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 22.

<sup>37</sup> Ўша асар. – Б. 23.

<sup>38</sup> Ўша асар. – Б. 24.

<sup>39</sup> Ўша асар. – Б. 38.

<sup>40</sup> Ўша асар. – Б. 38.

<sup>41</sup> Ўша асар. – Б. 39.

<sup>42</sup> Ўша асар. – Б. 44.

Ҳасан Басрий (р.а.) деди: Оламнинг уқубати кўнгилнинг ғафлатидан, кўнгилнинг ўлими дунёга муҳаббатдандир<sup>43</sup>.

Ҳасан Басрий (р.а.) деди: Фикр бир кўз кабидир, гуноҳ ва савобни кўрсатади. Ҳар кишининг фикри бўлмаса, сўзи ҳикматдан бўлмас, офатдир, доим ғафлатдадир. Ҳар кимнинг ибрат назари бўлмаса, қилган амали бекор ва хатоликдир<sup>44</sup>.

Ҳасан Басрий (р.а.) деди: Уч кимсани ғийбат қилмоқ раводир: золимни, фосиқни, нафсига қул кимсани<sup>45</sup>.

Ҳасан Басрий (р.а.) деди: Хушуъ Аллоҳдан кўрқишдир<sup>46</sup>.

Молик ибн Динор (р.а.) деди: Амалларнинг яхшироғи ихлосдир<sup>47</sup>.

Ҳабиб Аъжамий (р.а.) деди: Ҳеч нарсанинг даражаси шариф илмининг даражасидан баланд эмас<sup>48</sup>.

Ҳабиб Аъжамий (р.а.) деди: Каромат кўп риёзатдан ва илм тафаккурдан пайдо бўлади<sup>49</sup>.

Абу Ҳозим Маккий (р.а.) деди: Ҳалолдан топиш ва ҳалол ерга сарфлаш дўзахдан нажот топиш йўлидир<sup>50</sup>.

Абу Ҳозим Маккий (р.а.) деди: Оқил улки, кўлига дунё моли кирса қувонмас, дунёлик моли йўқ бўлса, ачинмас. Оқил икки нарсага заҳмат чекмас. Бири, тақдир насиб қилмайдиган нарса, ҳар қанча талаб қилса ҳам муяссар бўлмас. Ва бири улки, тақдир бўлган нарса, саъй ва талаб қилмаса ҳам етишар<sup>51</sup>.

Робия Адавиййа (р.а.) деди: Йиғламоқ юмшоқлик ва нафс ғалабасидандир. Кўзинг ёшини ичида сақла<sup>52</sup>.

---

<sup>43</sup> Ўша асар. – Б. 48.

<sup>44</sup> Ўша асар. – Б. 55.

<sup>45</sup> Ўша асар. – Б. 55.

<sup>46</sup> Ўша асар. – Б. 56.

<sup>47</sup> Ўша асар. – Б. 63.

<sup>48</sup> Ўша асар. – Б. 71.

<sup>49</sup> Ўша асар. – Б. 72.

<sup>50</sup> Ўша асар. – Б. 73.

<sup>51</sup> Ўша асар. – Б. 73.

<sup>52</sup> Ўша асар. – Б. 85.

Робия Адавиййа (р.а.) деди: Аллоҳга тамаъсиз тоат қилиш хослар ишидир<sup>53</sup>.

Робия Адавиййа (р.а.) деди: Ҳар ким бир нарсани севса, уни кўпроқ ёд этар<sup>54</sup>.

Фузайл ибн Иёз (р.а.) деди: Буюклик қиёмат кунида надоматдир<sup>55</sup>.

Фузайл ибн Иёз (р.а.) деди: Ҳар ким Аллоҳдан кўрқса, барча нарса ундан кўрқар. Ҳар ким Аллоҳдан кўрқмаса, ҳеч нарса ундан кўрқмас<sup>56</sup>.

Фузайл ибн Иёз (р.а.) деди: Аллоҳ очик кўнгиллиларни севар<sup>57</sup>.

Фузайл ибн Иёз (р.а.) деди: Оқил аҳмоқ билан бирга ҳалво ейишдан сақланар<sup>58</sup>.

Фузайл ибн Иёз (р.а.) деди: Уч нарса кўнгилни ўлдиради: кўп ейиш, кўп ухлаш ва кўп сўзлаш<sup>59</sup>.

Иброҳим Адҳам (р.а.) деди: Орифнинг уйқуси ва тек туриши зикр, боқиши ибрат, одати тоат бўлади<sup>60</sup>.

Иброҳим Адҳам (р.а.) деди: Киши ҳалол луқма емагунча, Аллоҳга етишмас<sup>61</sup>.

Иброҳим Адҳам (р.а.) деди: Қўлингни оч, оғзингни ёп, ҳаё эшигини оч, уйқу эшигини ёп, тоат эшигини оч, ғафлат эшигини боғла<sup>62</sup>.

Бишри Хофий (р.а.) деди: Ҳар ким дунё ва охиратда азиз бўлмоқни хоҳласа, уч нарсадан сақлансин: аввало, махлуқдан

---

<sup>53</sup> Ўша асар. – Б. 93.

<sup>54</sup> Ўша асар. – Б. 93.

<sup>55</sup> Ўша асар. – Б. 101.

<sup>56</sup> Ўша асар. – Б. 104.

<sup>57</sup> Ўша асар. – Б. 105.

<sup>58</sup> Ўша асар. – Б. 105.

<sup>59</sup> Ўша асар. – Б. 107.

<sup>60</sup> Ўша асар. – Б. 119.

<sup>61</sup> Ўша асар. – Б. 121.

<sup>62</sup> Ўша асар. – Б. 127.

нарса тилмасин; иккинчи, ҳеч кишининг ғийбатини қилмасин; учинчи, бермаган нарсани олмасин<sup>63</sup>.

Бишри Хофий (р.а.) деди: Тоат қилмасанг, гуноҳ ҳам қилмагин. Сўзлаб, гуноҳга қоладиган бўлсанг, жим ўтириб, савоб олгин<sup>64</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Тан соғлиги оз емоқдандир, жон соғлиги оз гуноҳдандир. Аллоҳдан кўркуви бўлмаган бандаларга Аллоҳ газабини йўллайди. Мўминларнинг фасоди бузилиши олти нарсададир: аввало, охират ишларига ният заифлиги; иккинчи, нафсидан паст келиш; учинчи, андишаси узун бўлиши; тўртинчи, Холиқ ризосини қўйиб, халқ ризосини исташлик; бешинчи, ҳазрати Расули акрам (с.а.в.)нинг суннатларини қўйиб, бидъат ишларга ва ҳавойи нафсга эргашиш; олтинчи, гуноҳларни оз ва кам билиб ўзини хорлашдир<sup>65</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Дўстликни бир киши билан қилгинким, ҳеч айриладиган бўлмасин, сен айрилишингга ҳам қарамай. Агар суҳбат аҳли бўлишни хоҳласанг, дўстларинг билан худди Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан Пайғамбар (с.а.в.) ораларидаги яқдиллик каби иттифоқда бўл<sup>66</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Аллоҳ бандани азизлик билан азиз этмас, хорлик билан азиз этади<sup>67</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Бандани Холиққа етказадиган сидқ ва хилват. Ҳар ким хилватда Аллоҳни истаса топгай<sup>68</sup>.

Зуннун Мисрий деди: Маърифат уч турли бўлади: тавҳидни билиш, бу мўминнинг феълидир; иккинчи,

---

<sup>63</sup> Ўша асар. – Б. 139.

<sup>64</sup> Ўша асар. – Б. 140-141.

<sup>65</sup> Ўша асар. – Б. 155.

<sup>66</sup> Ўша асар. – Б. 155.

<sup>67</sup> Ўша асар. – Б. 155.

<sup>68</sup> Ўша асар. – Б. 155.



вахдоният сифатини билиш, бу валийнинг одатидир; учинчи, ҳужжат баёнини билиш, у олимнинг ишидир<sup>69</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Ориф уддурким, илмсиз, айбсиз, мушоҳадасиз, суратсиз ва кашфсиз Аллоҳни билгай. Аллоҳ орифлар сифатини ҳазрати Пайғамбарга билдириб, айтган: “Ҳар қачон мен бандамни дўст тутсам, ҳар нарсаким кўрар, менинг кўзим билан кўрар; тутганини менинг кўлим билан тутар ва эшитганларини менинг қулоғим билан эшитар”<sup>70</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Аллоҳга муҳаббат нишони шуки, Аллоҳдан ўзга барча нарсани тарк қилгай<sup>71</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Сидқ Аллоҳ қиличидир<sup>72</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Таваккул муродни тарк қилиб, Аллоҳга машғул бўлгай ва гумондан сақланишдир<sup>73</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Унс нишони улки, Холиқ билан унс тутгай, нафси билан эмас<sup>74</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Ризонинг нишони улки, очликда шод бўлгай<sup>75</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: ихлос нишони учтадир: биринчи, мақташ ва ёмонлаш унга баробар бўлиши; иккинчи, хайрни унутиб, гуноҳларини унутмаслик; учинчи, Аллоҳдан ўзга ҳар нарса борки кўнглидан чиқариши<sup>76</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Яқийн иймон учдир: биринчи, ҳар нарсага боқса Аллоҳ билан боққай; иккинчи, ҳар ишда Аллоҳга ружу этгай; учинчи, Аллоҳдан ўзгадан умид қилмагай<sup>77</sup>.

---

<sup>69</sup> Ўша асар. – Б. 156.

<sup>70</sup> Ўша асар. – Б. 156.

<sup>71</sup> Ўша асар. – Б. 156.

<sup>72</sup> Ўша асар. – Б. 157.

<sup>73</sup> Ўша асар. – Б. 157.

<sup>74</sup> Ўша асар. – Б. 157.

<sup>75</sup> Ўша асар. – Б. 157.

<sup>76</sup> Ўша асар. – Б. 157.

<sup>77</sup> Ўша асар. – Б. 158.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Узлат нафсдан узилишдир<sup>78</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Иймонингта шак келтирма, нафсингдан хушнуд бўлма, балога сабр қил, Аллоҳ даргоҳида ҳамиша сабр билан бўл<sup>79</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Ўтган ишга ўкинма, келар ишга андиша қилма, ҳозирги ишни хуш кўр<sup>80</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Сўфи улдурки, Аллоҳни барча нарсдан қизғонгай<sup>81</sup>.

Зуннун Мисрий (р.а.) деди: Ориф билан суҳбат қилгинки, суҳбатдан саломат бўлгайсан. Ва унинг суҳбати сени доим хайр ишларга тортгай<sup>82</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Тариқатда инсонга кераклиги шуки, онадан туғма давлат, бўлмаса, доно кўнгил; агар у ҳам бўлмаса, кўрар кўз; у ҳам бўлмаса, эшитар қулоқ; у ҳам бўлмаса, соғ тан; у ҳам бўлмаса, фожеали ўлим<sup>83</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Аллоҳнинг даргоҳида ажиб ва ғариб нарсалар кўпдур. Ҳар бир бандасига ҳимматининг андозасида берар. Ҳимматингни улуғ тутгилким, Аллоҳ даргоҳи бағоят улуғдир. Агар сен оз нарсага рози бўлсанг, ўша мақомда қоларсан<sup>84</sup>.

Аҳмад Хузравиййа (р.а.) деди: Сув бир ерда кўп турса, айнийди. Дарё бўлгилки, ҳаргиз айнимайсан<sup>85</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Орифнинг камолоти шуки, муҳаббат ўтида куйгай<sup>86</sup>.

---

<sup>78</sup> Ўша асар. – Б. 159.

<sup>79</sup> Ўша асар. – Б. 159.

<sup>80</sup> Ўша асар. – Б. 159.

<sup>81</sup> Ўша асар. – Б. 160.

<sup>82</sup> Ўша асар. – Б. 160.

<sup>83</sup> Ўша асар. – Б. 163.

<sup>84</sup> Ўша асар. – Б. 171.

<sup>85</sup> Ўша асар. – Б. 174.

<sup>86</sup> Ўша асар. – Б. 185.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Аллоҳнинг шундай бандалари бордурки, агар жаннат зийнатларини унга инъом қилсалар, дўзах аҳли дўзахдан қочгандек қочадилар<sup>87</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Ҳақиқий обид ва содиқ омил шуки, жаҳд қиличи билан жумла тилакларининг бошини кесгай<sup>88</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Тавҳиднинг аввалги манзили шуки, ҳар нима сўзласа, ҳилм билан сўзлагай, ҳар нимани эшитса, илм билан эшитгай<sup>89</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Ориф бошини тиззасига қўйгай, тилаги шу бўлгайким, Исрофил сур чалмагунча бошини кўтармагай<sup>90</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Кўнгилга мингил, отлиқ бўлгил. Ва тан билан миниб олма<sup>91</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Аллоҳ маърифатининг муҳаббатисиз ҳеч завқ йўқтур. Кўрасизми, ариқ сувлари оқар экан, шовқин билан оқар, дарёга қўшилгач сокин бўлар. Сув кириши, чиқиши, зиёда ва кам бўлишидан дарёга зиён бўлмас<sup>92</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Аллоҳнинг бандалари борки: агар бир соат Аллоҳдаи ғофил бўлсалар, яна Аллоҳга қуллуқ қилгайлар. Бунинг учунким, Аллоҳдан маҳрум бўлганида, фано бўлурлар, йўқдан қандай тоат келади<sup>93</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Орифнинг камтар мартабаси шуки, жами мулк, мол ва асбобдан безор бўлади.

---

<sup>87</sup> Ўша асар. – Б. 185.

<sup>88</sup> Ўша асар. – Б. 185.

<sup>89</sup> Ўша асар. – Б. 185.

<sup>90</sup> Ўша асар. – Б. 187.

<sup>91</sup> Ўша асар. – Б. 187.

<sup>92</sup> Ўша асар. – Б. 187.

<sup>93</sup> Ўша асар. – Б. 187.

Агар икки жаҳонни ҳам унга берсалар, назар қилмайди. Орифнинг Аллоҳдан тилаги Аллоҳдир<sup>94</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Аллоҳ севган кишининг нишони учдир. Аввали, саховати дарёга ўхшар; иккинчи, шафқати қуёшга ўхшар; учинчи, тавозеси ерга ўхшар<sup>95</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Ҳожилар Каъбани тавоф этмоқ билан, муҳаббат аҳли эса кўнгил иморати билан дийдор истарлар<sup>96</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Ориф ҳеч нарсага шод, ҳеч нарсага рози бўлмайди<sup>97</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Жоҳилнинг ихлосидан орифнинг нифоқи яхшироқдир<sup>98</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Илм узр, маърифат макр ва мушоҳада ҳижобдур<sup>99</sup>.

Боязид Бистомий (р.а.) деди: Тасаввуф Аллоҳдан ўзгани тарк этиб, муҳаббат тўрида ўтирмоқдир<sup>100</sup>.

Абдуллоҳ ибн Муборак (р.а.) деди: Бир ақчани бурчи (қарзи) сабабли бериш юз минг танга садақа беришдан яхшироқдир<sup>101</sup>.

Абдуллоҳ ибн Муборак (р.а.) деди: Таваккал улдурки, ҳар ишни ўзидан билмагай, Аллоҳдан билгай<sup>102</sup>.

Абдуллоҳ ибн Муборак (р.а.) деди: Ҳар кимнинг Холиқдан умиди бўлса, махлуқдан ҳурмат истамагай<sup>103</sup>.

---

<sup>94</sup> Ўша асар. – Б. 188.

<sup>95</sup> Ўша асар. – Б. 188.

<sup>96</sup> Ўша асар. – Б. 188.

<sup>97</sup> Ўша асар. – Б. 189.

<sup>98</sup> Ўша асар. – Б. 189.

<sup>99</sup> Ўша асар. – Б. 189.

<sup>100</sup> Ўша асар. – Б. 191.

<sup>101</sup> Ўша асар. – Б. 201.

<sup>102</sup> Ўша асар. – Б. 201.

<sup>103</sup> Ўша асар. – Б. 202.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Таомнинг яхши ва ёмонида тафовут оғиздан томоққа боргунчадир. Ўтди, ҳаммаси баробардир<sup>104</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Зоҳидлик шол кийиб, арпа нони ейиш эмас, зоҳидлик нафси истаганини бермасликдир<sup>105</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Султонларнинг яхшироғи олимлар суҳбатига боргай. Олимлар ва фозилларнинг ярамаси беклар ва подшоҳлар суҳбатига боргай<sup>106</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Аввали ибодат сукутдур, ундан сўнг талаби илмдир<sup>107</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Агар гуноҳ яхши бўлганда эди, ҳеч ким бизнинг олдимизга келиб ўтирмаган бўларди<sup>108</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Халқнинг азизроғи беш нафардир. Аввали у олими зоҳид бўлгай; иккинчи, қаноатли фақир, фақирлигига фахр этади; учинчи, у бойким, юзи очиқ, ўзи мард бўлгай; тўртинчи, у мискинким, сабр этувчи бўлгай; бешинчи, у аёлким, хаёли бўлгай<sup>109</sup>.

Суфён Саврий (р.а.) деди: Ҳар ким намозни ялиниб-ёлвориш билан қилмаса, намози қабул бўлмагай<sup>110</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Аллоҳ йўлини тўрт нарса ичида топдим: биринчиси, ризқ учун қайғурмаслик; иккинчиси, ҳар ишни ихлос билан қилишлик; учинчиси, ўлимни кўз олдида ҳозир кўриб, унинг яроғини қилишлик; тўртинчиси, шайтонни ўзига душман, деб билишлик<sup>111</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Ибодат ўн бўлақдир. Тўққизи халқдан қочмоқ, бир бўлаги эса сукут сақлашдир<sup>112</sup>.

---

<sup>104</sup> Ўша асар. – Б. 206.

<sup>105</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>106</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>107</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>108</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>109</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>110</sup> Ўша асар. – Б. 207.

<sup>111</sup> Ўша асар. – Б. 211.

<sup>112</sup> Ўша асар. – Б. 216.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Тоат аҳли ўлса тирилади, гуноҳ аҳли тириклигида ўликдир<sup>113</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Дунёда менинг меҳмондан яхши дўстим йўқдир. Шунинг учунки, ризқи билан ҳақи Аллоҳдандир. Мен орада ҳеч ҳисобда йўқман<sup>114</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Ҳар ким бой экан, яна бой бўлсам, деб ҳаракат қилади. На дунёда роҳат кўради, ва на охирада<sup>115</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Оқил улдурки, дунёни севмагай; зийрак улдурки, дунёга алданмагай; бой улдурки, Аллоҳнинг ҳар берганига рози бўлгай; мискин улдурки, кўнгли бой бўлгай ва дунёлигини орттиришни истамагай; бахил улдурки, Аллоҳ берган неъматларни Аллоҳ бандаларидан қизғонгай<sup>116</sup>.

Абу Али Шақиқ Балхий (р.а.) деди: Тилингни сақла, то икки дунёда омон бўлгайсан<sup>117</sup>.

Имом Абу Ҳанифа Кўфий (р.а.) деди: Қарз фойдани ўзига тортса, у рибодир. Яъни кишининг девори соясида ўтирсам, рибо бўлади, бу эса ҳаромдир<sup>118</sup>.

Имом Абу Ҳанифа Кўфий (р.а.) деди: Адаб сақламоқ барча тоатдан ортиқдир<sup>119</sup>.

Имом Аҳмад ибн Ханбал (р.а.) деди: Таваккул Аллоҳни улуғ тутмоқликдир<sup>120</sup>.

Имом Аҳмад ибн Ханбал (р.а.) деди: Ризо ҳар ишни Аллоҳга топшириш, Унга сиғиниш, Ундан келадиган ҳар яхши-ёмонга рози бўлиш ва шукр қилишдир<sup>121</sup>.

---

<sup>113</sup> Ўша асар. – Б. 216.

<sup>114</sup> Ўша асар. – Б. 217.

<sup>115</sup> Ўша асар. – Б. 217.

<sup>116</sup> Ўша асар. – Б. 217.

<sup>117</sup> Ўша асар. – Б. 217.

<sup>118</sup> Ўша асар. – Б. 221.

<sup>119</sup> Ўша асар. – Б. 222.

<sup>120</sup> Ўша асар. – Б. 239.

<sup>121</sup> Ўша асар. – Б. 239.

Довуд Тойи (р.а.) деди: Менинг ризойим ота-онанинг хушнудлигидадир<sup>122</sup>.

Ҳорис Мусоҳибий (р.а.) деди: Аллоҳга лойиқ банда ўн икки хислатга эга бўлади. Биринчи, хоҳ рост ва хоҳ ёлғон онг ичмайди; иккинчи, ҳаргиз ёлғон сўзламайди; учинчи, ваъдага хилоф қилмайди; тўртинчи, ҳеч махлуққа лаънат қилмайди; бешинчи, ҳеч кишига ёмон дуо қилмайди; олтинчи, агар бир кимсадан зулм кўрса, уни кўтаради; еттинчи, ўзини ўзгалардан ортиқ кўрмайди; саккизинчи, гуноҳ ишлар қилмайди; тўққизинчи, ҳеч кишининг кўнглини оғритмайди; ўнинчи, ҳеч кимдан нарса тамаъ қилмайди; ўн биринчи, қандай бало ва меҳнат етса, сабр ва шукр қилади; ўн иккинчиси, фарзларни ўз вақтида адо этади<sup>123</sup>.

Ҳорис Мусоҳибий (р.а.) деди: Зикр Аллоҳ билан қойим бўлиш ва дўст халқдан қочишдир. Ва агар халқ орасида Ҳақ зикри билан бўлса ҳам худди ёлғиздек бўлади<sup>124</sup>.

Ҳорис Мусоҳибий (р.а.) деди: Ҳар ким жаннат аҳлидан бўлишни истаса, солиҳ дарवेशлар билан ҳамсухбат бўлгай<sup>125</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Очлик охираг эшигини, тўқлик дунё эшигини очади<sup>126</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Очлик кўнглини мунаввар этар, тўқлик кўнглини қорайтирар<sup>127</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Тавозе улдурким, зотида ҳеч кибр ва манманлик бўлмагай<sup>128</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Гуноҳларнинг боши дунёни севмоқдир. Тоат-ибодатнинг кўрки очлиқдир<sup>129</sup>.

---

<sup>122</sup> Ўша асар. – Б. 244.

<sup>123</sup> Ўша асар. – Б. 247.

<sup>124</sup> Ўша асар. – Б. 248.

<sup>125</sup> Ўша асар. – Б. 248.

<sup>126</sup> Ўша асар. – Б. 251.

<sup>127</sup> Ўша асар. – Б. 251.

<sup>128</sup> Ўша асар. – Б. 251.

<sup>129</sup> Ўша асар. – Б. 252.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Ғайратдан “ғалаба”, зикрдан “муҳаббат”, фикрдан “хавф” ортар<sup>130</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Мўмин улдирки, зикр озуқаси, шодлик роҳати бўлгай ва охират зироатгоҳи, қиёмат хирмонгоҳи бўлгай<sup>131</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Аллоҳ наздида дунёнинг бир пашша қанотичалик қадри йўқдур. Унинг устида сен қанча миқдор фурсат топасан<sup>132</sup>.

Абу Сулаймон Дороний (р.а.) деди: Ҳар ким Аллоҳга етишмоқни тиласа, нафсини ўлдирсин<sup>133</sup>.

Аҳмад Ҳарб (р.а.) деди: Аллоҳдан кўрқ ва буйруғига бўйинсун. Токи барча сендан кўрқиб, фармонингда бўлгай<sup>134</sup>.

Аҳмад Ҳарб (р.а.) деди: Дунёдан сақлан, то сени балога солмагайлар<sup>135</sup>.

Аҳмад Ҳарб (р.а.) деди: Аллоҳга бандалик қилки, сен бандалик қилмоқ учун яратилгансан<sup>136</sup>.

Хотами Асамм (р.а.) деди: Ботинингни Ҳаққа тўғри қил, то Аллоҳ таоло зоҳирингни халқ орасида кўркли қилгай<sup>137</sup>.

Хотами Асамм (р.а.) деди: Дўст истасанг, Аллоҳ дўстлигини иста. Иш истасанг, тоат-ибодат ишини иста. Ўғит истасанг, дўзах сенга ўғитдир<sup>138</sup>.

Хотами Асамм (р.а.) деди: Ҳар ким эрталаб ва оқшомда етти оят “Қуръон” дан ўқимаса, ўзини саломат билмасин<sup>139</sup>.

Хотами Асамм (р.а.) деди: Ҳар амални қилурсан, “Аллоҳ уни кўради” деб қил. Сўзласанг, “Аллоҳ эшитар” деб сўзла<sup>140</sup>.

---

<sup>130</sup> Ўша асар. – Б. 252.

<sup>131</sup> Ўша асар. – Б. 252.

<sup>132</sup> Ўша асар. – Б. 252.

<sup>133</sup> Ўша асар. – Б. 252.

<sup>134</sup> Ўша асар. – Б. 264.

<sup>135</sup> Ўша асар. – Б. 264.

<sup>136</sup> Ўша асар. – Б. 264.

<sup>137</sup> Ўша асар. – Б. 269.

<sup>138</sup> Ўша асар. – Б. 270.

<sup>139</sup> Ўша асар. – Б. 272.



Хотами Асамм (р.а.) деди: Мўминнинг белгиси шуки, ҳар нимани берса, Ҳақ ризоси учун берар, ҳар нима иш қилса, Ҳақ учун қилар<sup>141</sup>.

Хотами Асамм (р.а.) деди: Аллоҳга дўст бўлишни истасанг, у айтган ҳамма нарсага рози бўлишинг керак<sup>142</sup>.

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (р.а.) деди: Тургил, вақт азиздир<sup>143</sup>.

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (р.а.) деди: Бахтли бўлишнинг нишони учдир. Аввали Пайғамбар (с.а.в.)га феълда ва хулқда иқтидо қилмоқ; иккинчи, ҳаромдан қочмоқ; учинчи, ҳар амалда ихлос билан бўлмоқ<sup>144</sup>.

Маъруф Кархий (р.а.) деди: Сахийлик нишони учдир. хилофсиз вафо; саволсиз ато; миннатсиз шафқатдир<sup>145</sup>.

Маъруф Кархий (р.а.) деди: Ғафлат нишони шуки, Аллоҳ кишини бир нарсага шундай машғул этиб қўядики, аслида у иш ҳеч кимга керакмас<sup>146</sup>.

Сирри Сақотий (р.а.) деди: Муҳаббат “мушоҳада” дир, баъзилар уни “ишорат” ҳам дейдилар<sup>147</sup>.

Сирри Сақотий (р.а.) деди: Ҳар ким ўз нафсига насиҳат қилмоққа қуввати етса, ўзгаларга ҳам насиҳат қилмоққа қудрати етади<sup>148</sup>.

Сирри Сақотий (р.а.) деди: Ориф улки, унинг таоми худди хастанинг ейдиган таоми, уйқуси баданига чипқон чиққан кишининг уйқуси, дунёлиги эса сувга ғарқ бўлган кишининг ҳоли кабидир<sup>149</sup>.

---

<sup>140</sup> Ўша асар. – Б. 272.

<sup>141</sup> Ўша асар. – Б. 272.

<sup>142</sup> Ўша асар. – Б. 273.

<sup>143</sup> Ўша асар. – Б. 277.

<sup>144</sup> Ўша асар. – Б. 277.

<sup>145</sup> Ўша асар. – Б. 281.

<sup>146</sup> Ўша асар. – Б. 281.

<sup>147</sup> Ўша асар. – Б. 287.

<sup>148</sup> Ўша асар. – Б. 288.

<sup>149</sup> Ўша асар. – Б. 288.

Сирри Сақотий (р.а.) деди: Гуноҳни тарк қилиш уч нарсадандир. Аввало, дўзах кўрқувидан; иккинчиси, жаннат умидидан; учинчиси, Ҳақ таолонинг фазлу карамидан<sup>150</sup>.

Фатҳ Мавсилий (р.а.) деди: Тиламасдан келган нарсани рад қилмоқ У (Аллоҳ) нинг берганини рад қилмоқ бўлади<sup>151</sup>.

Фатҳ Мавсилий (р.а.) деди: Кимнинг кўнглидан илму ҳикмат ва машойихлар сўзларини кессалар, бу қалб ўликдир<sup>152</sup>.

Фатҳ Мавсилий (р.а.) деди: Кимки Аллоҳни севса, Аллоҳ ўзидан ўзгани унинг кўнглидан чиқаради<sup>153</sup>.

Аҳмад Ҳаворий (р.а.) деди: Ким оқил бўлса, Аллоҳга ориф бўлади. Ким ориф бўлса, Аллоҳдан кўрқувли бўлади<sup>154</sup>.

Аҳмад Ҳаворий (р.а.) деди: Тоатни севиш Аллоҳни севишдир. Аллоҳни Аллоҳнинг ўзисиз билишга ҳеч бир далил йўқ. Чунки, Аллоҳни Унинг Ўзининг маърифати билан билиш мумкин<sup>155</sup>.

Аҳмад Ҳаворий (р.а.) деди: Умид хавф аҳлининг қувватидир<sup>156</sup>.

Аҳмад Ҳузравиййа (р.а.) деди: Ҳар ким мискинларга хизмат қилса, Ҳақ таоло унга уч фазилат ато қилади: саховат, гўзал хулқ ва тавозеъ<sup>157</sup>.

Аҳмад Ҳузравиййа (р.а.) деди: Ҳар ким сабрли бўлса, сиддиқлар мартабасини топади<sup>158</sup>.

Абу Туроб Нахшабий (р.а.) деди: Уч нарсани севасиз, учови ҳам сизларники эмас. Аввали, жонингизни севасиз. Жон эса Аллоҳники. Иккинчидан, молни севасиз. Мол

---

<sup>150</sup> Ўша асар. – Б. 288.

<sup>151</sup> Ўша асар. – Б. 291

<sup>152</sup> Ўша асар. – Б. 292.

<sup>153</sup> Ўша асар. – Б. 292.

<sup>154</sup> Ўша асар. – Б. 294.

<sup>155</sup> Ўша асар. – Б. 295.

<sup>156</sup> Ўша асар. – Б. 295.

<sup>157</sup> Ўша асар. – Б. 299.

<sup>158</sup> Ўша асар. – Б. 299.

меросхўрларники; учинчидан, дунёни севасиз, ҳолбуки, дунёни қўлингиздан оладилар<sup>159</sup>.

Абу Туроб Нахшабий (р.а.) деди: Икки нарсани истайсиз, аммо қўлингизга кирмас. Бири шодлик, бири эса роҳатдир. Бу иккиси жаннатда қўлга киради, бўлар дунёда қўлга кирмайди<sup>160</sup>.

Абу Туроб Нахшабий (р.а.) деди: Фикрингизни сақланг. Барча нарса фикрдан ҳосил бўлади. Ҳар кимнинг фикри дуруст бўлса, унинг тутуми ҳам дуруст бўлади<sup>161</sup>.

Яҳё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Бу дунё бир тушдир, охират эса уйғоқликдур. Кимки тушида йиғласа, таъбири кулги ва шодликдир. Энди сен бу дунё тушида йиғлагин, тонгла охират уйғоқлигида кулгайсан<sup>162</sup>.

Яҳё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Аллоҳни севиш миқдорича халқ ҳам сени шунчалик севади. Қанчалик Аллоҳдан қўрқадиган бўлсанг, халқ ҳам сендан шунчалик қўрқади. Ҳар ким тоат пайтида Аллоҳдан уялса, Аллоҳ ҳам азоб вақтида ундан уялади<sup>163</sup>.

Яҳё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Уч хислат авлиёлар сифатидир. Ҳар бир ишда Аллоҳга эътиқод қилмоқ, яхши ва ёмон ишни Аллоҳдан деб билмоқ ва қазога рози, балога сабр қилмоқ<sup>164</sup>.

Яҳё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Солиҳ кишида уч хислат бўлади. Биринчиси, бойларга насиҳат кўзи билан боқади; иккинчиси, йўқсилларга шафқат кўзи билан боқади; учинчиси, фақирларга мухлис ва эътиқодли бўлади. Ҳар ким Аллоҳ билан бой бўлса, у доим йўқсилдир<sup>165</sup>.

---

<sup>159</sup> Ўша асар. – Б. 302.

<sup>160</sup> Ўша асар. – Б. 303.

<sup>161</sup> Ўша асар. – Б. 302.

<sup>162</sup> Ўша асар. – Б. 305.

<sup>163</sup> Ўша асар. – Б. 306.

<sup>164</sup> Ўша асар. – Б. 306.

<sup>165</sup> Ўша асар. – Б. 306.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Ёлгон худди биров дўзах ишини қилиб, жаннатни орзу қилганига ўхшайди<sup>166</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Мўмин гуноҳ кўрқинчи билан умид орасида худди икки арслон ўртасида қолгандек титрайди<sup>167</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Касал бўлишдан кўрқиб таомдан парҳез қиладиган, бироқ дўзахга тушишдан кўрқиб гуноҳдан парҳез қилмайдиган кишига ажабланаман<sup>168</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Бу дунё бошдан оёқ ғам-ғуссадан иборат, охиратда эса азобдир<sup>169</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Дунёда обрў қозонмоқ хорлик, охиратда обрўли бўлмоқ азизликдир. Аҳмоқ шуки, азизликни қўйиб, хорлик истайди<sup>170</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Оқилнинг дунё истамаги жоҳилнинг тарки дунё қилганидан яхшироқдир<sup>171</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Ҳар ким таомни кўп еса, фаришталар унинг учун йиғлайдилар. Чунки, кўп егувчи шаҳват ўтига боғлангандир<sup>172</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Бир тариқ донасича дўстлик муҳаббатсиз етмиш йилги тоатдан яхшироқдир<sup>173</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Зухднинг ҳарфлари учта: “з”, “ҳ” ва “д”, яъни “з”, зийнатли дунёни, “ҳ” ҳавойи нафсни, “д” дунёни тарк қилмоқдир<sup>174</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Зоҳид дунёни тарк этишга ҳарис бўлади<sup>175</sup>.

---

<sup>166</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>167</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>168</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>169</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>170</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>171</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>172</sup> Ўша асар. – Б. 307.

<sup>173</sup> Ўша асар. – Б. 308.

<sup>174</sup> Ўша асар. – Б. 308.

<sup>175</sup> Ўша асар. – Б. 308.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Фоний бўлмоқ ўлимдан қаттиқ, ўлим эса халқдан узилмоқдир<sup>176</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Ҳар ким андишасиз сўзласа, пушаймон бўлади. Ҳар ким андиша билан сўзласа, саломат бўлади<sup>177</sup>.

Яхё ибн Муоз Розий (р.а.) деди: Насуҳ тавбасининг нишони учдир: рўзадан ҳам ортиқ оз ейиш, намоздан ҳам ортиқ оз ухлаш, Аллоҳнинг зикридан ҳам ортиқ кам гапиришдир<sup>178</sup>.

Шоҳ Шужо Кирмоний (р.а.) деди: Фақр Аллоҳ сирларидан бир сирдир. Ўша сир дарвешлар олдида омонат. Фақир ўша сирни қачон ошкор қилса, хиёнат қилган бўлади, фақр ундан кетади<sup>179</sup>.

Шоҳ Шужо Кирмоний (р.а.) деди: Сидқ аломати учдир. Аввало, дунё қиймати унинг олдида тупроқ қадрича бўлмас, яъни олтин ва кумушни тупроқча кўрмас. Иккинчиси, одамларнинг севгани, сўккани унга баробар бўлади. На севганига хушнуд ва на сўкканига маҳзун бўлмай. Учинчиси, шаҳватни ичидан чиқариб ташламай. Дунё аҳли тўқликка хурсанд бўлганидек, у очликка хушнуд бўлади<sup>180</sup>.

Шоҳ Шужо Кирмоний (р.а.) деди: Хавф аломати шуки, Аллоҳ қуллигида камчиликка йўл қўймай. Расолик нишони шуки, гуноҳим “кўп” деб раҳматидан умидини узмай<sup>181</sup>.

Шоҳ Шужо Кирмоний (р.а.) деди: Сабр нишони учдир. Аллоҳнинг қазосига рози бўлади; ўз аҳволдан ҳеч кимга шикоят қилмайди; ниятини холис қилади<sup>182</sup>.

---

<sup>176</sup> Ўша асар. – Б. 308.

<sup>177</sup> Ўша асар. – Б. 308.

<sup>178</sup> Ўша асар. – Б. 308.

<sup>179</sup> Ўша асар. – Б. 314.

<sup>180</sup> Ўша асар. – Б. 314.

<sup>181</sup> Ўша асар. – Б. 314.

<sup>182</sup> Ўша асар. – Б. 314.

Юсуф ибн Хусайн (р.а.) деди: Сиддиқлар нишони иккидур, бири вақтида тоат қилмоқ ва бири кўнгилдан дўстлик қилмоқ. Аллоҳнинг ҳузурида муҳаббатдан яхшироқ неъмат йўқдур<sup>183</sup>.

Юсуф ибн Хусайн (р.а.) деди: Тавҳид улдурки, ўз сирини кўнгил ичида билгай. Андоқким, туман ҳам бўлса, уни кўрмагай<sup>184</sup>.

Юсуф ибн Хусайн (р.а.) деди: Кўп гуноҳ билан Ҳақни кўриш бир зарра риё билан Ҳақни кўргандан яхшироқдир<sup>185</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Халқ зоҳирингга боқади, Аллоҳ ботинингга боқади<sup>186</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Меҳмонни шундай тутмоқ керакким, на келгани оғир келгай ва на кетгани маълум бўлгай<sup>187</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Ҳар ким ўзининг феъли ва аҳволини “Қуръон” тарозусига солиб тортмаса мунофиқ бўлгай<sup>188</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Ўз нафсининг ташвишидан халос бўлишни истаган киши оқилдир<sup>189</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Бир киши бир кишига яхшилик қилганини кўролмаган киши бахилдир<sup>190</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Бир мусулмоннинг манфаатини дунёда ҳам, охиратда ҳам ўз манфаатидан яхшироқ кўрган киши жўмарддир<sup>191</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Ҳар ким берсаю, олмаса, у комил инсондир. Ҳар ким олса ҳамда берса, у мўминдир. Ҳар

---

<sup>183</sup> Ўша асар. – Б. 321.

<sup>184</sup> Ўша асар. – Б. 321.

<sup>185</sup> Ўша асар. – Б. 321.

<sup>186</sup> Ўша асар. – Б. 324.

<sup>187</sup> Ўша асар. – Б. 327.

<sup>188</sup> Ўша асар. – Б. 328.

<sup>189</sup> Ўша асар. – Б. 329.

<sup>190</sup> Ўша асар. – Б. 329.

<sup>191</sup> Ўша асар. – Б. 329.

ким на олмаса, на бермаса, у одам наслидан эмас, нокасдир<sup>192</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Ҳар ким барча ҳолда фазлни “Аллоҳдан” деб билса, у киши ҳалок бўлмагай<sup>193</sup>.

Абу Ҳафс Ҳаддод (р.а.) деди: Ҳар ким кўнглининг тавозели бўлишини хоҳласа, солиҳ кишилар билан ҳамсуҳбат бўлсин<sup>194</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Таъсирсиз сўзни айтиш илмни хор қилишдир. Сўз айтиш шундай кишига лойиқ ва сазоворки, агар у сўзласа, дин салоҳга келади, агар сўзламаса, дин фасодга айланади<sup>195</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Воиз шундай кишики, сўзни исломнинг қуввати, Аллоҳ ризоси учун сўзлайди. Бошқалар нафсининг қуввати ва дунё маслаҳати учун сўзлайди<sup>196</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Халқ илмидан Ҳақ илми яхшироқдир, яъни хилватда Аллоҳ билан бўлмоқ халойиқ орасида муомала қилмоқдан яхшироқдир<sup>197</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Барча иллатларнинг боши кўп емоқдир. Диннинг офати ҳам кўп емоқдир<sup>198</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Ҳар ким дунё қидиришга машғул бўлса, охиратда хор бўлади<sup>199</sup>.

Аҳмад Қассор (р.а.) деди: Таваккул шундайки, агар минг танга қарзинг бўлсаю бир ақчанг бўлмаса, уни адо қилишда Аллоҳдан умидингни узмагайсан<sup>200</sup>.

Мансур Аммор (р.а.) деди: Ҳақ таоло орифлар кўнглини “зикр” мақоми қилди, зоҳидлар кўнглини “таваккул”

---

<sup>192</sup> Ўша асар. – Б. 329.

<sup>193</sup> Ўша асар. – Б. 329.

<sup>194</sup> Ўша асар. – Б. 329.

<sup>195</sup> Ўша асар. – Б. 332.

<sup>196</sup> Ўша асар. – Б. 332.

<sup>197</sup> Ўша асар. – Б. 332.

<sup>198</sup> Ўша асар. – Б. 333.

<sup>199</sup> Ўша асар. – Б. 333.

<sup>200</sup> Ўша асар. – Б. 333.

мақоми қилди, дарвешлар кўнглини “қаноат” мақоми қилди, дунё аҳлининг кўнглини “тамаъ” ва “ҳирс” мақоми қилди<sup>201</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Маърифатнинг аломати шуки, ориф ибодати кўп, доим зикр айтувчи, хилватни севади, кўпчиликдан қочади, хомуш бўлади. Ҳар вақт унга боқсалар, у боқмайди, ҳар вақт мусибат юз берса, қайғуга тушмайди, ҳеч кишидин кўрқмайди, ҳеч кишидан умид қилмайди<sup>202</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Хавфнинг аломати қочиш ва умид аломати истақдир. Ҳар ким умид эгаси бўлишни истамаса, талаб қилмаса, у ёлғончидир. Умид эгаси шундай кишики, Аллоҳдан умидини узмайди. “Менга раҳмат қиладими ё қилмайдими” демайди. Халқдан кўрққан киши тез ҳалок бўлади, ўз нафсига ишониб, “Аллоҳ менга ғазаб қилмайди” дейди. Юнус пайғамбар (а.с.) шундай гумон қилди, Ҳақ таоло уни уқубатга дучор қилди<sup>203</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Банда ўзини билмаганининг сабаби эътиқодининг озлиги ва ихлосининг камлигидандир. Ҳар ким Аллоҳни билса, кўрқувли, ҳар ким Аллоҳни билмаса, кўрқувсиз бўлди. Ҳар ким кўнглининг салоҳга келишини тиласа, тилини бефойда сўзлардан сақласин<sup>204</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Фойдали тавозеъ кибр ва гинанинг кўнгилдан бутунлай чиқишидир. Риёли мусибат жаҳл бирла тоат қилиш<sup>205</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Ихлос ичдан ҳирс ва риёнинг ташқари чиқишидир<sup>206</sup>.

---

<sup>201</sup> Ўша асар. – Б. 336.

<sup>202</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<sup>203</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<sup>204</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<sup>205</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<sup>206</sup> Ўша асар. – Б. 338.



Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Ҳар ким оз гуноҳни менсимаса, тезда катта гуноҳга етишади<sup>207</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Хослар хоси шундайки, у фикр дарёсига ботади, ўша дарёдан маърифат жавоҳирини чиқариб олади. Авом эса ғафлат саҳросида саргардон ва гумроҳдир<sup>208</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Хослар имоми олимлар ва олимлар имоми Аллоҳдур. “Яқин” бир нурдирки, Аллоҳ севган бандасининг кўнглига солади, ўша нур билан охираат ишларини мутолаа қилади. Унинг билан охираат орасида турган барча ҳижоблар бутунлай йўқ ва Аллоҳга восил бўлади<sup>209</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Амални шундай қилки, Ер юзида, осмонда ҳеч киши ундан ортиқ амал қила олмасин, гўё Ер юзида фақат ўзинг борсан. Қолмиш умрингни ғанимат бил ва салоҳ билан умр кечир, то қилган гуноҳларинг кечирилгай<sup>210</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Гуноҳдан қорайган кўнги беш нарса билан оқ бўлади. Аввало, яхшилар билан ўтириш; иккинчи, “Қуръон” ўқиш; учинчи, оч бўлиш; тўртинчи, намоз ўқиш; бешинчи, саҳар вақтида зорлик қилиш<sup>211</sup>.

Аҳмад ибн Осим Антокий (р.а.) деди: Амал икки хилдир. Бири, сенинг билан халқ орасида бўлади ва бу нафс ва риёдир. Иккинчиси, сенинг билан Ҳақ орасида бўлади ва бу амали солиҳдир<sup>212</sup>.

Абдуллоҳ Ҳусайн Ҳийбақ (р.а.) деди: Одамда тўрт нарса бор: кўз, тил, кўнги ва шаҳват. Кўзни сақлаш ҳаромга

---

<sup>207</sup> Ўша асар. – Б. 338.

<sup>208</sup> Ўша асар. – Б. 339.

<sup>209</sup> Ўша асар. – Б. 339.

<sup>210</sup> Ўша асар. – Б. 339.

<sup>211</sup> Ўша асар. – Б. 339.

<sup>212</sup> Ўша асар. – Б. 339.

боқмаслик, тилни сақлаш ёлғон сўзламаслик, ғийбат қилмаслик, мусулмонларнинг дилини оғритмаслик, кўнгилни сақлаш, ёмон андиша қилмаслик, шаҳватни ҳаромдан ва зинопдан асраш биландир<sup>213</sup>.

Абдуллоҳ Ҳусайн Ҳийбақ (р.а.) деди: Гуноҳ одамнинг кўнглини ўлдиради, ибодат эса тирилтиради. Гуноҳли ибодатнинг ҳаловати бўлмайди<sup>214</sup>.

Абдуллоҳ Ҳусайн Ҳийбақ (р.а.) деди: Фойдалиқ умид Ҳаққа етказди. Умид уч хил: биринчиси, яхшилиқ қилиб, Аллоҳ даргоҳида қабул бўлишини умид қилади; иккинчиси, “Аллоҳ дийдоридан маҳрум қилмайди” деган умидни маҳкам тутди; учинчиси, “Аллоҳ гуноҳларимни ёрлақайди” деб умид қилади<sup>215</sup>.

Абдуллоҳ Ҳусайн Ҳийбақ (р.а.) деди: Ихлос амалдан яхшироқдир. Ҳар кимнинг сидқи дуруст бўлса, Аллоҳ ғайб олаmidан эшик очди ва уни муроду мақсудига етказди<sup>216</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Хирқа билан жандага Аллоҳ даргоҳида эътибор йўқдир. Балки эътибор кўнгил даргоҳидадур. Кишининг ичида Аллоҳ дарди бўлмаса, хоҳ ул киши жанда кийсун ва хоҳ хирқа кийсун, фойда йўқдур<sup>217</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Аллоҳ билан банд орасида тўрт дарё бор, бу дарёдан кечмагунча Аллоҳга ета олмас. Биринчиси, дунёдир, унинг кемаси зуҳд. Иккинчиси, хулқдир, унинг кемаси халқдан йироқ бўлиш. Учунчиси, иблисдир, унинг кемаси уни душман билиш ва ундан сақланиш. Тўртинчиси, нафсдир, унинг кемаси муродига хилоф этиш<sup>218</sup>.

---

<sup>213</sup> Ўша асар. – Б. 340.

<sup>214</sup> Ўша асар. – Б. 340.

<sup>215</sup> Ўша асар. – Б. 340.

<sup>216</sup> Ўша асар. – Б. 340.

<sup>217</sup> Ўша асар. – Б. 344.

<sup>218</sup> Ўша асар. – Б. 351-352.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Нафсининг ҳавоси билан шайтон васвасаси орасидаги фарқ шундаки, нафс бир нарсани ҳавас қилса, уни берма, шайтон васвасига қаршилик қил, токи ундан қутулгайсан<sup>219</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳар кимнинг тириклиги Аллоҳ билан бўлса, унинг ўлими мажозий тирикликдан ҳақиқат тириклигига ўтишидир. Ҳар кимнинг тириклиги нафси билан бўлса, унинг ўлими жондан айрилиқдир. Ҳар кўзнинг кўриши ибрат бўлмаса, ундай кўзнинг кўрмагани яхшидир. Ҳар тилки, Аллоҳнинг зикрига машғул бўлмаса, унинг сукути яхшидир. Ҳар қулоқ Ҳақ каломини эшитмакка мунтазир бўлмаса, кар бўлгани мақбулдир. Ҳар вужудким Аллоҳнинг бандалигига машғул бўлмаса, ўлгани тузукдир<sup>220</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳар ким қўлини илмга урса, қадами мустаҳкам бўлади<sup>221</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳар муридким, бирор нарса ёзса ва ўқиса, амали бўлмаса, ундан ҳеч нарса ҳосил бўлмайди. Дунё муридлар кўнглига оғудан аччиқ ва маърифат уларнинг кўнглига асалдан ҳам тотлидир<sup>222</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Амалларнинг яхшироғи нафсни сақлаш. Нафсни сақлаган динини сақлайди<sup>223</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Кўнгил тўртдир, бири шуки, у Аллоҳдандир, бандани бандаликка даъват этади. Иккинчиси шуки, фаришталардандир, бандани тоатга даъват этади. Учунчиси шуки, нафсандир, бандани дунёга даъват этади. Тўртинчиси шуки, шайтондандир, бандани бахиллик, ҳасад ва адоватга даъват этади<sup>224</sup>.

---

<sup>219</sup> Ўша асар. – Б. 352.

<sup>220</sup> Ўша асар. – Б. 352.

<sup>221</sup> Ўша асар. – Б. 352.

<sup>222</sup> Ўша асар. – Б. 352.

<sup>223</sup> Ўша асар. – Б. 352.

<sup>224</sup> Ўша асар. – Б. 352-353.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳиммат Аллоҳнинг ишоратидир. Иродат фаришталар ишоратидир. Миннат султонларнинг ишоратидир. Шаҳват нафс ишоратидир. Ҳаво куфр ишоратидир<sup>225</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳикмат соҳибига, гарчи ундан гуноҳ содир бўлса ҳам, Аллоҳ ҳаргиз азоб этмас<sup>226</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ҳар кимнинг ҳиммати бўлса, унинг кўзи доимо очиқдир<sup>227</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Сўфий шундай кишики, унинг кўнгли Иброҳим (а.с.) кўнглидек дунё дўстлигининг саломат ва унинг таслими Исмоил (а.с.) таслими каби, қайғуси Довуд (а.с.) қайғусидек, сабри Айюб (а.с.) сабридек, фақри Исо (а.с.) фақридек, шавқи Хотам ул-анбиё Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) шавқидек бўлади<sup>228</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Орифнинг етмиш мақоми бор. Аввали шуки, ҳаргиз бу жаҳон муродини тиламайди<sup>229</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ориф шундайки, Ҳақни ҳар нафсда кўради. Орифлик бир даражадирки, Аллоҳ билан унинг орасида ҳижоб йўқ<sup>230</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Маърифат икки қисм бўлади. Бири “таъарруф” ва бири “таъриф” дир. “Таъарруф” шуки, ўзини унга билдиради ва ошно этади. “Таъриф” шундайки, ўзини билдиради. Маърифат банда кўнглида Аллоҳнинг омонатидир. Унинг йўлида жон нисор этмагунча, банда унинг муҳаббатига етмайди<sup>231</sup>.

---

<sup>225</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>226</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>227</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>228</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>229</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>230</sup> Ўша асар. – Б. 353.

<sup>231</sup> Ўша асар. – Б. 353.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Аллоҳ валийларига таомда нафсларини тийишдан қаттиқроқ нарса йўқ. Шукр шундайки, ўз нафсингни неъмат аҳли деб билмагайсан<sup>232</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Сабрнинг охири таваккулдир, чунки “Қуръон” да ёд қилгандир. Аллоҳ сўзи бор: “Улар сабр қилган ва Парвардигорларигагина таваккул этадиганлардир”<sup>233</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Сабр Аллоҳга қайтмайдиган нарсадан нафсни синамоқдир<sup>234</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Яқийн шундайки, ризқ учун азм этмагайсан, ризқ учун ғам емагайсан. Сенга тақдир этилган нарса, албатта, сенга етади<sup>235</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Футувват шундайки, фақирлардаи ор этмагайсан ва бойларга фахр қилмагайсан<sup>236</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Жўмардлик шундайки, кўлдан келадиганни дариғ тутмагайсан<sup>237</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Ахлоқ тўрт хил бўлади: саховат, улфат, насиҳат ва шафқат<sup>238</sup>.

Жунайд Бағдодий деди: Яхши феъли фосиқ ёмон феъли олимдан ёқимлироқдир<sup>239</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Хавф шундайки, ҳаромларни ичингдан чиқаргайсан ва орзуларни тарк этгайсан<sup>240</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Тавбанинг уч маъноси бор: биринчиси, пушаймон бўлмоқ, иккинчиси, мусулмонлар

---

<sup>232</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>233</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>234</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>235</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>236</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>237</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>238</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>239</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>240</sup> Ўша асар. – Б. 354.

зулмидан ўзини сақламоқ, учинчиси, ёмон жойларга бормаслик<sup>241</sup>.

Жунайд Бағдодий (р.а.) деди: Тафаккур тўрт қисмдир. Биринчиси, Аллоҳнинг оятларига тафаккур қилиш. Бундан маърифат ҳосил бўлади. Иккинчиси, неъматларига тафаккур қилиш. Бундан муҳаббат ҳосил бўлади. Учинчиси, ваъдаларига тафаккур қилиш. Бундан хавф ва умид ҳосил бўлади. Тўртинчиси, раҳматларига тафаккур қилиш. Бундан ғайрат ҳосил бўлади<sup>242</sup>.

Абу Умар ибн Усмон Маккий (р.а.) деди: Сабр шуки, банда Аллоҳ билан бўлади. Бало, меҳнат ва роҳат унга баробар бўлади<sup>243</sup>.

Абу Умар ибн Усмон Маккий (р.а.) деди: Муҳаббат ризо ичидадир ва ризо муҳаббат ичидадир<sup>244</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Банда яхши сифатли бўлса, нафсини ўлдиради, сўзлайдиган бўлса, сўзлари Аллоҳнинг ризоси бўлади. Эшитадиган бўлса ҳам, шундай бўлмайди, ўзи орадан чиқиб турар, махв бўлиб турар. Энди “мен кимман, нима иш қиламан ва қаерданман? Менинг отим йўқ”. Агар “расми одат” десалар, Сен истарсан?<sup>245</sup>

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Қачонки Аллоҳ бир бандасини ўзига дўст қилишни хоҳласа, аввал у бандага “зикр” эшигини очади. Банда зикрдан лаззат топса, унга “унс” эшигини очади. Банда яқинлик мақомига етса, у бандага “ваҳдоният” саройини беради. Азимат ва жалолатни унга кашф этади. Чунки бу мақом ҳосил бўлганда Аллоҳнинг қудратини томоша қилади. Ундан кейин “вуслат” мақомига эришади ва унда камол ҳосил бўлади<sup>246</sup>.

---

<sup>241</sup> Ўша асар. – Б. 354.

<sup>242</sup> Ўша асар. – Б. 355.

<sup>243</sup> Ўша асар. – Б. 357.

<sup>244</sup> Ўша асар. – Б. 357.

<sup>245</sup> Ўша асар. – Б. 358.

<sup>246</sup> Ўша асар. – Б. 360-361.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Вақт азиз ва ундан азизроқ нарса бўлмас. Банда ўтмиш билан келажак орасида машғулдир, яъни вақтни асраш керак<sup>247</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Ҳар ким фаросат билан қараса, Аллоҳ нури билан қараган бўлади. Чунки, илм Аллоҳдан келади, унда ҳеч хато ва ғафлат йўқ<sup>248</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) (р.а.) деди: Қанчалаб фасоҳат ва балоғат эгалари бордирки, Аллоҳдан қўрққанларидан сукутдадирлар<sup>249</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Ҳар кимнинг кўнглида Аллоҳ қарор топса, лозимки, икки жаҳонга ҳам Усиз боқмайди, Усиз сўзламайди ва Усиз эшитмайди<sup>250</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Қурбнинг ҳақиқати шуки, кўнгил пок бўлади ва Аллоҳ билан ҳамма нарсалардан ором топади<sup>251</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Илм шуки, сен уни амалга келтирасан ва у эса сени ишга келтиради<sup>252</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Тасаввуф “сўзламоқ” дегани. Барча шахват ва ташвишлардан сўз “холис” бўлади. Аллоҳдан ўзга кўнгли ичида ва ташида ҳеч нарса қолмайди. Қачонки талабгор шундай бўла олса, уни суфий дейдилар<sup>253</sup>.

Абу Саъид Харроз (р.а.) деди: Таваккул Аллоҳга ишонмоқдир. Таваккул оромсиз изтироб ва изтиробсиз оромдир. Таваккул аҳли шундай бўлиши керакки, ҳар қачон уларнинг сукуни ва ороми кетса, асло саъй-ҳаракат қилмайди<sup>254</sup>.

---

<sup>247</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>248</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>249</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>250</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>251</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>252</sup> Ўша асар. – Б. 361.

<sup>253</sup> Ўша асар. – Б. 361-362.

<sup>254</sup> Ўша асар. – Б. 362.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Сўфий шундай қавмки, уларнинг жонлари башарият ташвишларидан озод, нафс офатидан омон бўлади. Ва яна сўфий шуки, ҳеч нарса уни боғлаб турмайди, у на қул эгаси ва на қул бўлади<sup>255</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Тасаввуф русумдир, илм эмас. Ва лекин тасаввуф Аллоҳ хулқларидан биридир. Аллоҳ ўз каломида ишора қилганидек, тасаввуф Аллоҳнинг хулқлари билан хулқланишдир. Тасаввуф озодлик ва мардликдир. Аллоҳдан насиба учун такаллуфни тарк қилиш, дунёни душман тутиш, охиратни дўст тутишдир<sup>256</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Икки нарсдан азизроқ нарса йўқ. Бири, илмига амал қилувчи олим. Иккинчиси, сўзлаганда ҳақиқатдан сўзлайдиган ориф<sup>257</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Ҳар ким ҳамма нарсани Аллоҳдан деб билса, унинг ружуви қайтиши ҳар ишда Аллоҳга бўлади<sup>258</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Таваккул шундайки, сенинг тадбиринг унинг тақдири ичида фоний бўлади. Аллоҳга ҳар ишда рози бўлгайсан. У сенинг ишингга вакилдир<sup>259</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Киши тамом умрини қўрқув билан кечирishi қандай яхши давлат, ҳар ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳдан паноҳ тилайди<sup>260</sup>.

Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Гуноҳ йўқотишдан, тоат макрдан холи эмас<sup>261</sup>.

---

<sup>255</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>256</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>257</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>258</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>259</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>260</sup> Ўша асар. – Б. 368.

<sup>261</sup> Ўша асар. – Б. 369.



Абулхусайн Нурий (р.а.) деди: Ҳар бир нарсанинг уқубати бўлади, орифларнинг уқубати Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолишдир<sup>262</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Авф мўминнинг сайқалидур. Агар дунё учун бўлмас эса<sup>263</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) (р.а.) деди: Абу Усмон Хайрий деди: Омиларнинг шукри таом ва либос узрадур. Хосларнинг шукри таом ва либосдан кесилмақдур<sup>264</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Тавозеъ учдир. Аввали ўзини ожиз билмоқ, иккинчи ўзини муҳтож билмоқ, учинчи, ўзини гуноҳкор билмоқ<sup>265</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Саодат нишони удурки, Аллоҳга мутеъ бўлгай ва Ундан қўрқай<sup>266</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Ихлос шуки, нафс ҳеч хузур олмайди. Ихлос Аллоҳга садоқат ниятидир, ўқиган намози, тутган рўзаси, қилган садақасини бошқалар кўришини унутмоқ ва Холиқ кўриб турганини англамоқдир<sup>267</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Азиз бўлинг Аллоҳ иззати биланким, ҳаргиз хор бўлмагайсиз<sup>268</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Дунёдин шод бўлмоқ Аллоҳ шодлигини кўтарур<sup>269</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Банда удурким, Аллоҳдан ўзгадин қўрқмагай<sup>270</sup>.

---

<sup>262</sup> Ўша асар. – Б. 369.

<sup>263</sup> Ўша асар. – Б. 373.

<sup>264</sup> Ўша асар. – Б. 373.

<sup>265</sup> Ўша асар. – Б. 373.

<sup>266</sup> Ўша асар. – Б. 373.

<sup>267</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>268</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>269</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>270</sup> Ўша асар. – Б. 374.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Аллоҳдан йироқ бўлмоқ сабаби учдур. Аввали, дунёни тутмоқ, иккинчи, халқ иззатига шод бўлмоқ, учинчи, нафсига қул бўлмоқ<sup>271</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: ёмонлик нишони улдурки, гуноҳ қилиб, Аллоҳдан қўрқмагай<sup>272</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Ҳар бир идишда нима бўлса, ўша нарса сизиб чиқади<sup>273</sup>.

Абу Усмон Хайрий (р.а.) деди: Зоҳирда хилоф иш қилмоқ ботинда мунофиқликдир<sup>274</sup>.

Абдуллоҳ ибн Жалло (р.а.) деди: Халқнинг севиши ва сўкиши унинг учун баробар бўлган киши зоҳиддир<sup>275</sup>.

Абдуллоҳ ибн Жалло (р.а.) деди: Обид фарз амалларни аввал вақтида бажарадиган кишидир<sup>276</sup>.

Абдуллоҳ ибн Жалло (р.а.) деди: Ориф дунёга завол кўзи билан қарайдиган ва уни хор кўрадиган кишидир<sup>277</sup>.

Абдуллоҳ ибн Жалло (р.а.) деди: Ҳар ким тақво билан тирилмаса, “фақр” луқмаси ҳаромдир. Сўфий “асбоб”дан айри. Ҳар ким нафси билан мартабага етса, мартабадан тезроқ тушади. Ҳар ким ризқ учун қаттиқ курашса, бу кураш уни Аллоҳдан йироқ қилади ва халққа муҳтож бўлади<sup>278</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Тавҳид борлиқ асарини тарк этиб, ундан айрилишни муҳим билмоқдир<sup>279</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Ҳар нарсанинг кўзгуси бор, орифнинг кўзгуси Аллоҳнинг тажаллийсидир<sup>280</sup>.

---

<sup>271</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>272</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>273</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>274</sup> Ўша асар. – Б. 374.

<sup>275</sup> Ўша асар. – Б. 377.

<sup>276</sup> Ўша асар. – Б. 377.

<sup>277</sup> Ўша асар. – Б. 377.

<sup>278</sup> Ўша асар. – Б. 377.

<sup>279</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>280</sup> Ўша асар. – Б. 379.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Ҳақойиқнинг асоси шуки, илмга суянгай<sup>281</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Банда ҳамма тилакларидан йироқ бўлиб, улардан кесилмагунча Аллоҳга яқин бўлмайди<sup>282</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Унс аҳли Аллоҳдан бошқа нарсадан даҳшатга тушгай ва ўзидан ҳам кўрққай. Унс зикрнинг ҳаловати ва кўнгил шодлигидир. Яна унс Аллоҳдан ўзгадан хилватда бўлмоқдир<sup>283</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Дарвеш ўз сирини элдан яширадиган, ҳар бир ҳолатга рози бўладиган ва фарз амалларни жойига қўядиган суфий<sup>284</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Шаҳват яшириндир, у амал вақтида зоҳир бўлар<sup>285</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Зухд дунёни паст тутмоқ ва дунёни кўнгилдан бутунлай чиқармоқдир<sup>286</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўрқмаслик хайрли кўрқувдир<sup>287</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Ризо кўнгил тилаги билан ҳукмга қарши турмасликдир<sup>288</sup>.

Абу Муҳаммад Рувайм (р.а.) деди: Ихлос амалга назар қилмаслик. Киши ҳар амалки қилур, намоз ёки намоздан бошқа ҳар бир ишда икки дунёда ҳам эвазни тамаъ қилмаслик<sup>289</sup>.

---

<sup>281</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>282</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>283</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>284</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>285</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>286</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>287</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>288</sup> Ўша асар. – Б. 379.

<sup>289</sup> Ўша асар. – Б. 380.

Ибн Ато (р.а.) деди: Амалларнинг яхшироғи шуки, уни қиласан, қайтиб уни ёдингга олмайсан<sup>290</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Эранлар ҳожатларини аввал илм майдонида, сўнгра тавҳид майдонида истайдилар. Эран ҳар нима сўзласа, Аллоҳдан сўзлайди ва ҳар нима эшитса, Аллоҳдан эшитади. Эран ҳар нима ишорат қилса, Аллоҳдан ишорат қилади<sup>291</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Ҳар ким суннат амалини адаб билан безатса, Аллоҳ унинг кўнглини ўз нури билан мунаввар қилади. Ҳаракат, сўз ва ахлоқда мувофиқликдан улуғ мақом йўқ. Банданинг Аллоҳ фармонларига бўйсунмаслиги ғафлатнинг улуғидир<sup>292</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Қуллик мағлублик, илм ғолиблик. Ҳар ким бу икки нарсадан айри чиқса, мағлуб бўлади<sup>293</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Кўнгил ва нафс шаҳвати ҳамда жон шаҳвати бор. Бу шаҳватларни жаннат ичида жам қиладилар. Кўнгил шаҳвати Аллоҳни мушоҳада қилади. Жон шаҳвати Ҳаққа яқин бўлишни талаб қилади. Нафс шаҳвати эса жаннатнинг ҳурлари ва қасрларни талаб ва орзу қилади<sup>294</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Тоатларнинг яхшироғи Аллоҳни талаб қилмоқ. Агар бир киши йигирма йил нифоқ шевасига қадам босган бўлса, бир соат мусулмон қардошининг манфаати учун битта қадам қўйса, олтмиш йил ихлос ва эътиқод билан тоат-ибодат қилгандан яхши<sup>295</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Ҳар кимнинг аввал кириши тоатга бўлса, охиратга эришади. Ҳар кимнинг аввал кириши иродотга бўлса, динга эришади<sup>296</sup>.

---

<sup>290</sup> Ўша асар. – Б. 381.

<sup>291</sup> Ўша асар. – Б. 381.

<sup>292</sup> Ўша асар. – Б. 382.

<sup>293</sup> Ўша асар. – Б. 382.

<sup>294</sup> Ўша асар. – Б. 382.

<sup>295</sup> Ўша асар. – Б. 382.

<sup>296</sup> Ўша асар. – Б. 382.

Ибн Ато (р.а.) деди: Ақлнинг яхшироғи тавфиққа мувофиқ бўлганидир. Гуноҳларнинг яхшироғи унинг ортидан тавба қилинганидир<sup>297</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Ҳар кимнинг кўнглида охират ўйи бўлса, шайтон уни йўлдан оздириш ҳаракатида бўлади. Агар бу иш шайтоннинг кўлидан келса, уни дунё ўйларига машғул қилиб, охиратдан маҳрум этади<sup>298</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Ҳар ким одобдан маҳрум, ҳамма яхшиликлардан маҳрумдир<sup>299</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Илм уч хил бўлади. Маърифат илми, ибодат илми ва бандалик илми<sup>300</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Муҳаббат доим маломат узра бўлишдир. Агар муҳиб эгалик даъвосини қилса, муҳаббатдан тушади<sup>301</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Тақвонинг зоҳири ва ботини бор. Зоҳири Аллоҳ буйруғини ушлаш, ботини эса ихлос билан ниятдир<sup>302</sup>.

Ибн Ато (р.а.) деди: Одамизод улуг мартабага яхши феъл ва яхши қилиқ билан етишади<sup>303</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Аллоҳнинг қудратлари ошкор, одамларнинг кўзлари очиқ, аммо ғафлат кўргани кўймайди<sup>304</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Аллоҳ дўстлигининг нишони тоатни ихтиёр этмоқ ва Расули акрамга эргашмоқ<sup>305</sup>.

---

<sup>297</sup> Ўша асар. – Б. 382.

<sup>298</sup> Ўша асар. – Б. 383.

<sup>299</sup> Ўша асар. – Б. 383.

<sup>300</sup> Ўша асар. – Б. 383.

<sup>301</sup> Ўша асар. – Б. 383.

<sup>302</sup> Ўша асар. – Б. 383.

<sup>303</sup> Ўша асар. – Б. 384.

<sup>304</sup> Ўша асар. – Б. 386.

<sup>305</sup> Ўша асар. – Б. 386.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Одамларнинг заифроғи шуки, шаҳвати кучли ва нафсининг олдида ожиз бўлади. Азизлар уларни “нафсининг эшаги” дейдилар<sup>306</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Одамнинг кучлироғи шуки, нафсига ғолиб бўлиб, нафсини ўлдиради. Бундай одамни “фариштадан ортиқ” дейдилар<sup>307</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Эр кишининг ҳиммати охират узра ва Аллоҳ ризоси билан<sup>308</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Бу дунё Шаддод, Намруд ва Фиръавнлардан қолган сарқит. Сарқитни итлар ейди, одамлар нега ейдилар?<sup>309</sup>.

Иброҳим ибн Довуд Раққий (р.а.) деди: Таваккул улдурки, кўнглингга қарор бергайсан. Ризқ учун қийналмайсан, чунки Аллоҳ зомин бўлиб турибди. Бандасига Ўзи етказди, аммо банда қарор топмас. Аллоҳ тақдир қилган ризқ сенга албатта келади, сен беҳуда заҳмат чекарсан. Дарвешлар кўнгли таваккул билан, бойлар кўнгли мол-мулк билан қарор тутар<sup>310</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Ҳар ким Аллоҳ иззатини истаса, дунё иззати кўзига хор кўрингай. Дунёда икки нарсани жойига келтирмоқ керак. Бири дарвешлар ва бири валийлар суҳбати<sup>311</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Ҳар ким “Қуръон” ўқиб, ундан завқ олмаса, савобидан баҳраманд бўлмас<sup>312</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Тавозенинг чегараси шуки, ҳар қачонким, бир кишига сўз айтиб, уни бажаргай. Ва яна ҳар кишиким ўзидан пастроқдирким, уни ўзидан ортиқ билгай

---

<sup>306</sup> Ўша асар. – Б. 386.

<sup>307</sup> Ўша асар. – Б. 386.

<sup>308</sup> Ўша асар. – Б. 386.

<sup>309</sup> Ўша асар. – Б. 386.

<sup>310</sup> Ўша асар. – Б. 385.

<sup>311</sup> Ўша асар. – Б. 385.

<sup>312</sup> Ўша асар. – Б. 386.

ва бурундуқли туядек бўлгай, қаерга чўктирсалар, ўша ерга чўккай ва сўксалар мақтов ўрнида кўргай. Ва ҳар ишда Аллоҳга юз тутгай, яхши ва ёмонликдан нима келса, шукр этгай<sup>313</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Шаҳват одам кўнглидан фақат хавф билан йўқ бўлади<sup>314</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Унснинг бешта нишони бор. Аввали, халқдан кесилиб, хилват ихтиёр этмоқ, ўзининг муродларини тарк этмоқ ва буни халқ орасида “тўнли амал” дейдилар. Ва зикрдан завқ, лаззат топмоқ, Аллоҳ йўлида тиришишни роҳат билмоқ, тоат қилмоқни хоҳламоқдир<sup>315</sup>.

Юсуф Асбот (р.а.) деди: Ҳаёнинг тўрт нишони бордур. Аввали, сўзини ўйлаб, сўнг сўзламоқ, тилини ғийбатдан, кўзини ҳаромдан, қулоғини бемаъни сўзлардан, фаржини ҳаромдан сақламоқ. Ва ҳар киши ўз ҳолини ўзи билмоқ заруриятидан ҳам ортиқдир<sup>316</sup>.

Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳражурий (р.а.) деди: Ҳар кимнинг бойлиги қаноат билан бўлса, у ҳамиша бойдир<sup>317</sup>.

Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳражурий (р.а.) деди: Шукр қилинган неъмат йўқ бўлмайди<sup>318</sup>.

Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳражурий (р.а.) деди: Куфр сўзлайдиган бўлсанг, нечун неъматинг кетмасин?<sup>319</sup>

Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳражурий (р.а.) деди: Тақво оз емоқ, оз сўзламоқ, оз ухламоқ ва шаҳватни тарк этмоқдир<sup>320</sup>.

Абу Яъқуб Исҳоқ Наҳражурий (р.а.) деди: Аллоҳнинг хос бандалари уч ҳолатда суюнадилар. Биринчиси, халқдан

---

<sup>313</sup> Ўша асар. – Б. 387.

<sup>314</sup> Ўша асар. – Б. 387.

<sup>315</sup> Ўша асар. – Б. 387.

<sup>316</sup> Ўша асар. – Б. 387.

<sup>317</sup> Ўша асар. – Б. 389.

<sup>318</sup> Ўша асар. – Б. 389.

<sup>319</sup> Ўша асар. – Б. 389.

<sup>320</sup> Ўша асар. – Б. 389.

йироқ бўлганда, иккинчиси, Аллоҳга яқин бўлганда, учинчиси, тоатга кучли бўлганда<sup>321</sup>.

Самнуни Мажнун (р.а.) деди: Муҳаббат Аллоҳнинг усули ва бунёдидир<sup>322</sup>.

Самнуни Мажнун (р.а.) деди: Муҳаббат маҳбубни кўп зикр қилишдир<sup>323</sup>.

Самнуни Мажнун (р.а.) деди: Муҳибнинг дунё ва охиратда суйгани Аллоҳ бўлади<sup>324</sup>.

Самнуни Мажнун (р.а.) деди: Тасаввуф шуки, ҳеч нарса унинг мулки бўлмайди ва ўзи ҳам ҳеч нарсага мулк бўлмайди<sup>325</sup>.

Абу Муҳаммад Муртаъиш (р.а.) деди: Ҳар кимнинг дунёдаги камоли яхши, қиёматда ҳам шундай бўлади. Амаллари уни дўзахдан халос этиб, жаннатга йўллайди. Ҳар кимнинг камоли шу бўлса, яъни “албатта жаннатга бораман” деб гумон қилса, унинг гумони уни дўзахга элтса, ажабланарли жойи йўқ. Ҳар кимнинг эътиқоди Аллоҳ фазли билан бўлса, Аллоҳ уни жаннатнинг ниҳоятига етказди<sup>326</sup>.

Абу Муҳаммад Муртаъиш (р.а.) деди: Иродат нафста йўл бермаслик ва Аллоҳ амрини жойига қўйишдир<sup>327</sup>.

Абу Муҳаммад Муртаъиш (р.а.) деди: Дунё асбобларига кўнгилни қўймоқ, шубҳасиз, Аллоҳга бўлган эътиқодни кесади<sup>328</sup>.

Абу Муҳаммад Муртаъиш (р.а.) деди: Банда Аллоҳ душманларини душман тутмоқ билан Аллоҳга дўст бўлади<sup>329</sup>.

---

<sup>321</sup> Ўша асар. – Б. 389.

<sup>322</sup> Ўша асар. – Б. 490.

<sup>323</sup> Ўша асар. – Б. 492.

<sup>324</sup> Ўша асар. – Б. 492.

<sup>325</sup> Ўша асар. – Б. 393.

<sup>326</sup> Ўша асар. – Б. 396.

<sup>327</sup> Ўша асар. – Б. 396.

<sup>328</sup> Ўша асар. – Б. 396.

<sup>329</sup> Ўша асар. – Б. 396.



Абу Муҳаммад Муртаъиш (р.а.) деди: Аллоҳнинг душманлари учдир: дунё, нафс ва шайтон<sup>330</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Бадбахтликнинг аломати учта. Биринчиси, илм ўқиб, илмига амал қилмаслик; иккинчиси, амал қилиб, ихлос қилмаслик; учинчиси, солиҳлар суҳбатини тарк этиб, жоҳиллар суҳбатини ихтиёр этиш ва улар билан суҳбатда бўлишлик<sup>331</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Тасаввуф нафс балоларидан пок бўлишдир<sup>332</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Муриднинг хотири дунёга интилиш билан боқса, ундан яхшиликни тамаъ қилмагинки, бундай одам тариқат муртадларидандир<sup>333</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Илм уч ҳарфдир, “айн”, “лом” ва “мим”. “Айн” – илм, “лом” – амал, “мим” – амал билан ихлос орасидаги ихлос<sup>334</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Маърифат аҳлининг яхшироғи ғайратли бўлади, шариат аҳкомларида маҳкам бўлиб, суннатга эргашади<sup>335</sup>.

Абу Абдуллоҳ Фазл (р.а.) деди: Муҳаббат бағишлашдир. Ҳар ким муҳаббат даъвосида экан, муҳаббат, исбот, учинчиси ҳаё, таъзимни жамулжам қилсин<sup>336</sup>.

Абулҳасан Пошнакий (р.а.) деди: Тасаввуф шуки, бу замонда унинг оти бор, асли йўқ. У замонда тасаввуф ҳақиқат эди, от эмас эди<sup>337</sup>.

---

<sup>330</sup> Ўша асар. – Б. 396.

<sup>331</sup> Ўша асар. – Б. 397.

<sup>332</sup> Ўша асар. – Б. 397.

<sup>333</sup> Ўша асар. – Б. 397.

<sup>334</sup> Ўша асар. – Б. 398.

<sup>335</sup> Ўша асар. – Б. 398.

<sup>336</sup> Ўша асар. – Б. 398.

<sup>337</sup> Ўша асар. – Б. 401.

Абулҳасан Пошнакий (р.а.) деди: Футувват дўстлик қилмоқ ва ўз тилақларини қўйиб, бошқалар тилагини бажармоқдир<sup>338</sup>.

Абулҳасан Пошнакий (р.а.) деди: Тавҳид Аллоҳнинг зоти ўзгалар зотидек эмаслиги, Аллоҳ чиройли сифатлар билан мавсуф эканини билишдир<sup>339</sup>.

Абулҳасан Пошнакий (р.а.) деди: Тавба ҳар куни ўтган гуноҳларини эслаб, пушаймон бўлиш ва бундан кейин гуноҳ ишлар қилмаслик<sup>340</sup>.

Абулҳасан Пошнакий (р.а.) деди: Ҳар ким ўзини хор қилса, Аллоҳ уни азиз қилади, ҳар ким ўзини азиз тутса, Аллоҳ уни хор қилади<sup>341</sup>.

Ҳаким Термизий (р.а.) деди: Ҳар кимга ёр ваъдасини қилсанг, ихлос билан қилгин. Ихлос кишини мақсадига етказди<sup>342</sup>.

Ҳаким Термизий (р.а.) деди: Расули акрам айтадилар: Ҳар ким Қуръон ўқиса, Аллоҳнинг амрларини тутса, Пайғамбарлик нишони икки қоши ўртасида кўринади<sup>343</sup>.

Ҳаким Термизий (р.а.) деди: Одамларнинг азизроғи ўз нафсини хор қилган кишидир<sup>344</sup>.

Ҳаким Термизий (р.а.) деди: Ҳар ким ҳақиқат сирига кирса, ҳаргиз гуноҳ аҳлини инкор қилмайди<sup>345</sup>.

Абу Бакр Варроқ (р.а.) деди: Хизрдек кишининг суҳбати кишини Аллоҳ суҳбатидан йироқ қилса, ўзга одамларнинг суҳбати қандай бўлади, қиёс қил<sup>346</sup>.

---

<sup>338</sup> Ўша асар. – Б. 401.

<sup>339</sup> Ўша асар. – Б. 401.

<sup>340</sup> Ўша асар. – Б. 401.

<sup>341</sup> Ўша асар. – Б. 401.

<sup>342</sup> Ўша асар. – Б. 407.

<sup>343</sup> Ўша асар. – Б. 410.

<sup>344</sup> Ўша асар. – Б. 411.

<sup>345</sup> Ўша асар. – Б. 411.

<sup>346</sup> Ўша асар. – Б. 412.

Абу Бакр Варроқ (р.а.) деди: Икки жаҳоннинг яхшилиги Аллоҳ берганига қаноат қилмоқдир ва икки жаҳоннинг заволи молнинг кўп бўлмоғидир. Бу насиҳатга амал қилсанг, икки жаҳонда нажот топасан<sup>347</sup>.

Абу Бакр Варроқ (р.а.) деди: Башар уч қисм бўлади. Биринчи қисми олимлар, иккинчи қисми беклар, учинчи қисми фақирлар. Олимлар бузилса, дин бузилади. Беклар бузилса, халқнинг турмуши бузилади. Фақирлар бузилса, бошларига балолар ёғилиб, вилоят хароб бўлади<sup>348</sup>.

Абу Бакр Варроқ (р.а.) деди: Ҳар ким Аллоҳга қуллиқ қилишдан қочса, унга қочган қулларга қилинадиган муомалани қилиш вожибдир<sup>349</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Вақтларнинг яхшироғи нафс сенга ғолиб бўлмаган вақтдир, вақтларнинг ёмонроғи нафс сенга ғолиб бўлган вақтдир<sup>350</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Фақирлик дунё ва охираддан кесилмоқ ва Аллоҳни истамоқдир<sup>351</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Кимки ўтиб кетган вақтларини фойдасиз жойда ёд қилса, нақдина вақтини қўлдан бой бермайди<sup>352</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Убудият Аллоҳга барча ишларда бўйсунмоқдир. Аллоҳнинг хос бандалари бандалик қўлидан кетмаслиги учун ўзга хизматкор истамайдилар. Аллоҳ “Қуръон”да бир неча хислатларни ёд этган. Аммо барчасининг якуни истиғфор билан яқин туради. Аллоҳ айтади: “(Улар) сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли ва

---

<sup>347</sup> Ўша асар. – Б. 413.

<sup>348</sup> Ўша асар. – Б. 414.

<sup>349</sup> Ўша асар. – Б. 415.

<sup>350</sup> Ўша асар. – Б. 416.

<sup>351</sup> Ўша асар. – Б. 417.

<sup>352</sup> Ўша асар. – Б. 417.

сахар чоғларида Аллоҳдан мағфират сўрайдиган кишилар эди”<sup>353</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Банда ўз хатоларини билиши учун истиғфордан яхшироқ мақом йўқдир<sup>354</sup>.

Абдуллоҳ Манозил (р.а.) деди: Ҳар ким бир нафас риёсиз ва ширксиз Аллоҳ билан муомала қилса, у битта нафаснинг баракатидаи гуё умрининг ҳаммасини худди шундай кечирган бўлади<sup>355</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Тоат билан бўлиш тавфиқ аломатидир<sup>356</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Дунё иззати мол билан, охираат иззати амаллар билан<sup>357</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Ҳар ким илм ва одоб истамоқнинг пайдан бўлса, жаннат ҳам уни исташ пайидадир<sup>358</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Кимки ибодат ва амал қилмасдан Аллоҳга яқинлик истаса, унинг йироқлиги дарчадан ичкари кирган нур офтобдан нақадар йироқ бўлгани кабидир<sup>359</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Оқиллар Аллоҳ ҳукми остида яшашни тилайди<sup>360</sup>.

Али Исфаҳоний (р.а.) деди: Бойлик истаган илмдан топади, зикр айтувчилар раҳмат ичида ҳаёт кечиришни тилайди ва фахр истаганлар фақирликдан<sup>361</sup>.

Абулхайр Нассож (р.а.) деди: Иймон яланғочдир, унинг либоси тақводир<sup>362</sup>.

---

<sup>353</sup> Ўша асар. – Б. 417.

<sup>354</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>355</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>356</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>357</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>358</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>359</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>360</sup> Ўша асар. – Б. 418.

<sup>361</sup> Ўша асар. – Б. 418.

Абулхайр Нассож (р.а.) деди: Хавф Аллоҳнинг қамчисидир. Агар бандалар одобсизлик, ёмон хулқни ўзларига одат қилсалар, шу орқали одобли бўладилар<sup>363</sup>.

Абулхайр Нассож (р.а.) деди: Хавфнинг нишони шуки, амал ғоятига етса, унинг ичида нуқсон ва зорликдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди<sup>364</sup>.

Абу Ҳамза Хуросоний (р.а.) деди: Унс кўнгилнинг халқ орасида тор бўлиши ва хилватда шод бўлишидир<sup>365</sup>.

Абу Ҳамза Хуросоний (р.а.) деди: Ғариб халқ орасида Аллоҳни унутмаган кишидир. Кимки Аллоҳни севса, барча халойиқ уни севади ва унга муштоқ бўлади<sup>366</sup>.

Абу Ҳамза Хуросоний (р.а.) деди: Мўминнинг кўнглидаги хавф умиддан ғолиб бўлиши лозим<sup>367</sup>.

Абу Ҳамза Хуросоний (р.а.) деди: Маърифат дарахтини фикр суви билан суғормоқ керак, токи нажот емишларини берсин ва жаннатга лойиқ ва сазовор қилсин<sup>368</sup>.

Абу Ҳамза Хуросоний (р.а.) деди: Зоҳиднинг қандай ҳожати бўлмасин, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан сўрамайди<sup>369</sup>.

Аҳмад Мағрибий (р.а.) деди: Дарвешларнинг яхшироғи Аллоҳ берган ризққа сабр қилиб, рози бўлган ва бирор кишидан бир дирҳам тамаъ қилмаганидир<sup>370</sup>.

Аҳмад Мағрибий (р.а.) деди: Дарвешларни Аллоҳнинг ўзи сақлайди<sup>371</sup>.

Аҳмад Мағрибий (р.а.) деди: Дунёни тарк этган ҳар дарвешнинг халқ узра қилган дуоси мақбулдир. Уларнинг

---

<sup>362</sup> Ўша асар. – Б. 422.

<sup>363</sup> Ўша асар. – Б. 422.

<sup>364</sup> Ўша асар. – Б. 422.

<sup>365</sup> Ўша асар. – Б. 425.

<sup>366</sup> Ўша асар. – Б. 425.

<sup>367</sup> Ўша асар. – Б. 426.

<sup>368</sup> Ўша асар. – Б. 426.

<sup>369</sup> Ўша асар. – Б. 426.

<sup>370</sup> Ўша асар. – Б. 429.

<sup>371</sup> Ўша асар. – Б. 429.

дуолари баракатидан мусулмонлар бало ва қийинчиликдан омон бўладилар<sup>372</sup>.

Аҳмад Мағрибий (р.а.) деди: Дунёдан инсофлироқ нарса кўрмадим. Чунки сен унга хизмат қилсанг, у ҳам сенга хизмат қилади. Агар уни тарк этсанг, у ҳам сени тарк этади<sup>373</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Уч нарса тавҳиднинг либосидир: хавф, умид ва муҳаббат. Хавфнинг ортиқлиги Аллоҳга лойиқ этади. Умиднинг ортиқлиги Аллоҳга йўл очади. Муҳаббатнинг ортиқлиги Аллоҳга етиштиради<sup>374</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Муҳаббат маҳбуб хоҳлаган ерда юришдир<sup>375</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Умид дунёдан қочиш, Рожий қидиришдан тинмайдиган киши<sup>376</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Саодат аҳли фаризани йўқотмайди, суннатни тарк этмайди ва бидъатдан йироқ бўлади<sup>377</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Қилган гуноҳини халқ орасида ошкор этиш ва унга иқроор бўлиш бадбахтлик аломатидир<sup>378</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Валийнинг ҳоли фоний, мушоҳадаси боқий бўлади. Унинг бошқа мақсади бўлмайди ва Аллоҳдан ўзгадан умид қилмайди<sup>379</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Ориф кўнглини Аллоҳга бағишлайди<sup>380</sup>.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Ҳар ким Аллоҳ эшигида қарор тутса, унга барча эшиклар очилади<sup>381</sup>.

---

<sup>372</sup> Ўша асар. – Б. 429.

<sup>373</sup> Ўша асар. – Б. 429.

<sup>374</sup> Ўша асар. – Б. 430.

<sup>375</sup> Ўша асар. – Б. 430.

<sup>376</sup> Ўша асар. – Б. 430.

<sup>377</sup> Ўша асар. – Б. 430.

<sup>378</sup> Ўша асар. – Б. 430.

<sup>379</sup> Ўша асар. – Б. 431.

<sup>380</sup> Ўша асар. – Б. 431.

Абу Али Журжоний (р.а.) деди: Бахиллик “бало”, “зиён” ва “лозим” дир. Бахил бахиллик ичида бўлса, унинг иши зиён ва дўзахга лойиқ бўлади<sup>382</sup>.

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Зоҳид шундай одамки, ҳеч нарса қўлига кирмай, кўнгли шод бўлади ва ризқ учун қайғурмайди. Агар ризқ учун шикоят қилса, Аллоҳ билан уришган бўлади<sup>383</sup>.

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Тавбанинг етмиш эшиги бор. Унинг етмиш биринчиси ҳаёдир<sup>384</sup>.

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Уч хил иш қилмоқ ибодат қилмоқдан ортиқ. Биринчиси, ғафлат уйқусидан уйғонмоқ. Иккинчиси, нафс сўраган нарсани бермаслик. Учтинчиси, кўрқув билан йиғламоқ<sup>385</sup>.

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Шаҳват девнинг уйидир. Ҳар ким девнинг уйига кирса, девга қул бўлади<sup>386</sup>.

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Диннинг девори уч нарса билан мустаҳкам бўлиб, бино топади. Аввали, Ҳақни билмоқ. Иккинчиси, адолат қилмоқ. Учтинчиси, рост гапирмоқ.<sup>387</sup>

Абу Бакр Каттоний (р.а.) деди: Аллоҳнинг шамоли бор, бу шамол саҳар вақтида эсади, ошиқларнинг нолаю оҳини олиб, Аршга элтади. У ердан Аллоҳга етиштиради<sup>388</sup>.

Абдуллоҳ Ҳафиф (р.а.) деди: Тақво маҳбубга етишиш учун Ҳақдан бошқадан кесилиш<sup>389</sup>.

Абу Муҳаммад Ҳаририй (р.а.) деди: Ҳар ким қулоғини нафс сўзларига тутса, шаҳват зиндонида асир бўлади. Аллоҳ ҳамма яхшиликларни ундан кесади<sup>390</sup>.

---

<sup>381</sup> Ўша асар. – Б. 431.

<sup>382</sup> Ўша асар. – Б. 431.

<sup>383</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>384</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>385</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>386</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>387</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>388</sup> Ўша асар. – Б. 436.

<sup>389</sup> Ўша асар. – Б. 444.

Абу Муҳаммад Ҳаририй (р.а.) деди: Сабр икки ҳол ичида бир хил ва баробар бўлиш. Бири неъмат ичида ва бири меҳнат ичида. Ҳар хил бўлса ҳам асло ўзгармайди<sup>391</sup>.

Абу Муҳаммад Ҳаририй (р.а.) деди: Ким кибрли бўлса, Аллоҳ уни хор қилади ва кимки ўзини хор тутса, Аллоҳ уни азиз қилади. Ҳар ким қаноат қилса, азиз бўлади ва кимки тамаъ қилса, хор бўлади<sup>392</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Вақт вақт соҳибининг сифати, ҳар ким ўз сифати билан ором олса, у ориф эмас<sup>393</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Аллоҳга йўл икки қадамдир. Бир қадамни дунёдан кўтаргайсан ва бир қадамни охиратдан кўтаргайсан ва Аллоҳга эришгайсан<sup>394</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Ихлос бир сузгичдир, амални у билан сузадилар<sup>395</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Ширк риёга булғанишдир<sup>396</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Сўзлагувчи тил хомуш кўнгилларни ҳалок қилувчидир<sup>397</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Дунёни тарк этмоқ нафс, охиратни тарк этмоқ кўнгил зуҳдидир ва ўзини тарк этмоқ жон зуҳдидир<sup>398</sup>.

Мансур Ҳаллож (р.а.) деди: Нафсингни бир нарсага машғул эт, бўлмаса, у сени бир нарсага машғул этади. Сен уни ҳеч кўрмаган бўласан<sup>399</sup>.

---

<sup>390</sup> Ўша асар. – Б. 447.

<sup>391</sup> Ўша асар. – Б. 447.

<sup>392</sup> Ўша асар. – Б. 447.

<sup>393</sup> Ўша асар. – Б. 451.

<sup>394</sup> Ўша асар. – Б. 452.

<sup>395</sup> Ўша асар. – Б. 452.

<sup>396</sup> Ўша асар. – Б. 452.

<sup>397</sup> Ўша асар. – Б. 452.

<sup>398</sup> Ўша асар. – Б. 452.

<sup>399</sup> Ўша асар. – Б. 455.



## “ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” АСАРИДАГИ ТАСАВВУФ ИСТИЛОҲЛАРИ ЛУҒАТИ

*Сиру асрор бўлиб кўнгилда борлиқ,  
Етишсин сенга ишқдин баҳрамандлиг<sup>400</sup>.*

**Абад** آباد – абадий.

**Абвоб** ابواب – эшиклар, бўлаклар, қисмлар, бобнинг кўплиги, ориф, валий, пир ва муршидларга берилган унвон.

**Абвоб ул-маоний** ابواب المعاني – маъно эшиклари, йўллари.

**Абдол** ابدال – ўринбосар, валийликнинг маълум даражасига эришган шайхлар

**Аброр** ابرار – яхшилар, азиз ва пок кишилар, Аллоҳнинг амрларини бажариб, ман этган ишларидан сақланиб юрувчи, валий даражасидан қуйи, оддий халққа нисбатан юқори мартабадаги кишилар.

**Авлиё** اولياء – валийнинг кўплиги, дўст, яқин, Аллоҳнинг дўсти.

**Авом** عوام – оломон, нафсининг қули, дунё матоҳларини севувчи, нодон, жоҳил кишилар.

**Аврод** اوراد – зикр пайтида ўқиладиган “Қуръон” оятлари ва дуолар мажмуи.

**Автод** اوتاد – тирик, таянч, қозик, валийликнинг юқори даражасига эришган, дунёнинг тўрт томонига масъул этилган ориф.

**Авсат** اوسط – ўрта, марказ, ўрта даражадаги, ўрта табақа кишилар.

**Адаб** ادب – яхши тарбия, гўзал хулқ, ёқимли ҳатти-ҳаракат, одоб.

**Адам** آدم – йўқлик, борлиқнинг акси, ғайб олами.

---

<sup>400</sup> Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома / Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома (Мантик ут-тайр, Асрорнома, Илоҳийнома, Панднома, Булбулнома, Уштурнома). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – Б. 171.

**Адл** عدل – адолат, ҳаққонийлик, одиллик, тўғрилиқ, инсоф.

**Ажз** عجز – кучсизлик, заифлик, ожизлик, бечоралиқ, солиқнинг Худога етишиш дарди.

**Азал** ازل – бошланиш даври йўқлик, энг қадим. Аллоҳнинг яратувчилик сифати, қисмат, тақдир.

**Азвоқ** انواع – завқлар, севинчлар, сурурлар, орифнинг кашф ҳолида рўй берадиган ҳолати.

**Айн** عين – кўз, моҳият, асос, манба, ўхшашлик, борлиқ ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси, Аллоҳнинг зоти.

**Айнул басар** عين ال بصر – қалб кўзи.

**Айн ул-яқийн** عين اليقين – иймон кўзи, бирор нарсанинг моҳияти билан аниқлаш ва кўриш, кўз билан кўриб ҳосил қилинган ишонч. Қўнгил поклиги ва банд билан ғайб олами орасидаги пардаларнинг кўтарилиши, мукошафа йўли билан ҳосил қилинадиган, ҳол сирларини очувчи ботиний илм.

**Акрам ул-акрамин** اكرم الاكرمين – Аллоҳнинг пайғамбари сифатларидан бири, карамлиларнинг карими, ҳимматлиларнинг ҳимматлиси, саховатлиларнинг саховатлиси, яхшиларнинг яхшиси.

**Ал-жиход ал-акбар** الجهاد الاكبر – жиҳодларнинг улуғи, инсоннинг ўз нафсига қарши кураши.

**Алоиқ** علائق – боғланишлар, алоқалар, дунё ташвишлари.

**Ал-фақру фаҳри** الفقر فخري – “Фақрлик фаҳримдир”, ҳадис.

**Амал** عمل – иш, ҳаракат, фарзларнинг бажарилиши, вазифалар.

**Аммора** امارة – ёмон йўлга буюрувчи нафс.

**Анбиё** انبياء – набийлар, пайғамбарлар

**Анвор** انوار – нур сочувчи, ёруғ, порлоқ, тажаллий нури.

**Анис** انيس – улфат, дўст.

**Анфус** انفس – нафаслар, нафаснинг кўплиги, инсон олами, олами сағир.

**Араз** عرض – бирор нарсанинг зоҳирда пайдо бўлган вақтинчалик сифати.

**Арбаин** اربعين – қирқ, чилла, тариқат мақомларини босиб ўтишда узлатга чекиниш ва маънавий покланиш.

**Арбоби аҳвол** ارباب الاحوال – ҳол соҳиблари.

**Арбоби латоиф** ارباب اللطائف – илоҳий сир соҳиблари, лутфу марҳамат пирлари.

**Арбоби маоний** ارباب المعاني – маъно соҳиблари, орифлар.

**Арбоби ҳақойиқ** ارباب الحقائق – ҳақиқат соҳиблари, валийлар.

**Арш** عرش – осмоннинг энг юқориси, тўққизинчи осмон, мулк.

**Асрор** اسرار – сир, сирлар, яширин нарсалар.

**Ато** عطا – инъом, эҳсон, илоҳий лутф, ғайб тухфаси.

**Ахий** اخي – тариқат биродарлари, жавонмардлар, саховатли биродарлар.

**Ахлоқи ҳамида** اخلاق حميده – мақталган ахлоқ.

**Ахлоқи замима** اخلاق ذميمة – бузуқ, ёмон феъллар, маломат қилинган ахлоқ.

**Ақида** عقيدة – эътиқод, ишонч, ихлос, бирор нарсага ишониш, уни тасдиқ этиш ва уни қабул қилиб, унга содиқ қолиш.

**Ақл** عقل – ҳуш, эс, фаросат, илоҳий нур.

**Аҳбоб** احباب – дўстлар, ёрлар, севимлилар.

**Аҳли ботин** اهل الباطن – кўнгил кишилари, яқинлар, қалб кўзи билан ҳақиқатни кўрувчилар, маънавий ҳол соҳиблари, орифлар.

**Аҳли вараъ** اهل الورع – тақводорлар, парҳезгорлар.

**Аҳли вафо** اهل الوفاء – содиқ биродарлар, муҳаббат кишилари, ваъдага вафо қилувчилар.

**Аҳли вусул** اهل الوصول – Аллоҳ васлига эришганлар, етишганлар, мақомотнинг юқори даражасига етганлар.

**Аҳли дил** اهل دل – пок кишилар, дилларини Аллоҳнинг зикри билан машғул этган солиқлар ва машойих.

Аҳли дунё **اهل الدنيا** – мол-мулк ва неъматларга берилиб, худди ўлмайдигандек, охиратни унутганлар.

Аҳли жуд **اهل الجود** – сахийлар, саховатли кишилар.

Аҳли зоҳир **اهل الظاهر** – юзадаги нарсаларни билувчилар, ташқи кўринишга қараб баҳо берувчилар.

Аҳли илм **اهل العلم** – дунёвий, шариат илми кишилари.

Аҳли иродат **اهل الارادات** – муридлар, мухлислар, пирга қўл берганлар.

Аҳли каромат **اهل الكرامات** – каромат аҳли, ғайриоддий куч-қувват соҳиблари, соҳибкаромат, валийлар, шайхлар.

Аҳли маъни **اهل المعنى** – маъно олами кишилари, сўфийлар.

Аҳли миллат **اهل ملّة** – дин аҳллари, руҳонийлар.

Аҳли мақомот **اهل مقامات** – тариқат аҳли, пир раҳбарлигида мақомотларни босиб ўтишга аҳд қилган солиқлар.

Аҳли русум **اهل الرسوم** – одатлар, расм-русумлар, қоидалар билан чекланиб қолган, моҳиятдан беҳабар кишилар.

Аҳли сидқ **اهل الصدق** – тўғри сўз кишилар, ростгўйлар, Аллоҳга содиқ зотлар.

Аҳли суффа **اهل الصفة** – Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт тарзини қабул қилиб, вақтларини тоат-ибодат билан ўтказган, кундузлари рўзадор, кечалари зикр билан машғул бўлган, Масжиди набавиянинг суффасида яшаган саҳобалар.

Аҳли таҳқиқ **اهل التحقيق** – ҳар бир нарсани тадқиқот билан чуқур ўрганувчи ва унинг моҳиятига етишга, тавҳид исботи учун интилувчи валий, ориф зотлар.

Аҳли усул **اهل الاصول** – фикҳ илми асослари билан шуғулланувчилар, фақиҳлар.

Аҳли уқбо **اهل العقبا** – дунёдан кўнгил узиб, охиратни англаб, умрини тоат-ибодат билан ўтказиб, гуноҳ ишлардан тийилганлар.

**Аҳли ҳақ** **اهل الحق** – валийлар, орифлар, кўнгли Аллоҳнинг ишқи билан тўлган ва ваҳдатга интиланган, илоҳий сифатларни ўзида жамлаган кишилар.

**Аҳли ҳақиқат** **اهل الحقيقة** – башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган, Ҳаққа етишган кишилар.

**Аҳрор** **احرار** – эркин, хур, озод, олийжаноб, ҳимматли.

**Байъат** **بيعة** – аҳд-паймон, қўл бериш, тариқатга кирган солиқнинг пир ёки муршидга боғланиб, байъат қилиши.

**Бало** **بلا** – ғам-қайғу, мусибат, солиқ бошига тушган синов.

**Бандалик (убудият)** **بنده نيك (عبودية)** – Аллоҳга, фақат Аллоҳга қуллиқ, бандалик қилиш, Аллоҳга ҳожатмандлик қилиш, ўтмишни эсламаслик ва келажакка кўз тутмаслик.

**Басират** **بصيرت** – ҳақиқатни қалб кўзи билан ҳис қилиш, ҳидоятга эришиш, зийраклик, фаҳм, идрок, қалб кўзи.

**Бақо** **بقا** – абадийлик, боқий, илоҳий олам.

**Бедил** **بيدل** – ошиқ, шайдо, мафтун, ҳасратли, қайғули, бутун борлиғини маъшуқага топширган.

**Боб** **باب** – эшик, тавба эшиги, зуҳду тақво эшиги, тариқатга кириш нияти ва дастлабки қадам.

**Ботил** **باطل** – рад этилган, бузуқ, ноҳақ, нотўғри фикрлар, қарашлар.

**Ботин** **باطن** – кўнгил, қалб, руҳият, дил, басират, солиқнинг ички маънавий олами, руҳи, қалб кўзи.

**Важд** **وجد** – ҳаяжон, тўлқинланиш, ишқ ва муҳаббат, зикр ва самоъ пайтидаги завқ ва шавққа тўлиб-тошган ҳолати, Аллоҳ сирларидан воқиф бўлиш.

**Валий** **ولي** – дўст, Аллоҳнинг дўсти, Аллоҳ зоти ва сифатини мукаммал биладиган, унинг буюрганларини бажариб, гуноҳлардан ўзини сақлаган, дуолари мустажоб, солиҳ, ориф, илоҳий марҳаматга эришган Аллоҳнинг севимли бандалари.

**Валоятосор** **ولايتاثر** – валийлик асари, нишони, белгиси.

**Вараъ** ورع – парҳезкорлик, ҳаром ва шубҳали таомлардан сақланиш, ман қилинган ишлардан четлашиш.

**Васл** وصل – қалбга Аллоҳ нурининг кириши, илоҳий нурга етиш, восил бўлиш, фано мақомидан кейинги мартаба.

**Вақт** وقت – мозий билан иқтиқбол орасидаги маънавий ҳол.

**Ваҳдат** وحدة – яккалик, бирлик, Аллоҳнинг яккаю ягоналиги, азалийлиги ва боқийлиги ҳақидаги ақида.

**Ваҳдоният** وحدانيت – Аллоҳнинг ягоналиги, бирлиги.

**Ворид** وارد – қалбда юзага келадиган маъно, илҳом ва файз.

**Воҳидият** واحديت – яккалик, ягоналик, бирлик, Аллоҳнинг сифати.

**Вужуд** وجود – борлик, бўлишлик, мавжудлик.

**Гавҳар** گوهر – жавҳар, инжу, илоҳий маърифат.

**Гирдоб** گرداب – айлана, атроф.

**Дам** دم – лаҳза, он, нафас.

**Даъво** دعوى – бирор нарсани талаб қилиш, манманлик, нафсининг ўзига мансуб бўлмаган бирор нарсани ўзига нисбат бериши.

**Дил** دل – қалб, юрак, кўнгил, ботин.

**Дунё** دنيا – олам, жаҳон, дунё, борлик, Аллоҳни эслашга монелик қиладиган барча нарсалар.

**Жавод** جواد – сахий, карамли, қўли очиқ.

**Жавонмард** جوان مرد – мард, сахий, ўзига бировнинг миннати раво кўрмаган ва бирор кишига муҳтожлик изҳор қилмаган йигит.

**Жавҳар** جوهر – асл модда, нарсанинг туб ўзаги, моҳият, асосий хосса.

**Жазба** جذبة – тортиш, Аллоҳга бўлган ўта кучли муҳаббат туфайли самоъ пайтида ўзини йўқотиш, завқ-шавқ ичида жазабага тушиш, беҳудлик.

**Жамол** جمال – юз, кўриниш, Аллоҳнинг тажаллийси.

**Жамъ** جمع – тўпланиш, ваҳдат.

**Жамъ ул-жамъ** جمع الجمع – тасаввуфий ҳол, на ўзини, на халқни кўриш, фақат Аллоҳни кўриш ҳолати.

**Жаҳр** جهر – овоз чиқариб зикр қилиш.

**Жисм** جسم – гавда, жасад, аъзои бадан, модда, материя.

**Жон** جان – тириклик, ҳаёт, куч, қувват, мадор.

**Жосус ул-қулуб** جاسوس القلوب – қалбларнинг жосуси, орифнинг қалб кўзи билан бошқалар кўнглидаги ўй-фикрни улар сўрамасдан аввал айтиши.

**Жуд** جود – инъом, эҳсон, сахийлик, қўли очиқлик, саховат.

**Завқ** زوق – ҳузур, лаззат, қалбнинг қуввати, қалбга Аллоҳнинг инояти туфайли ато этилган ирфон нури.

**Зарофат** ظرافت – зарифлик, нозикфаҳмлик, гўзаллик.

**Зикр** ذكر – сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш, хотирлагини унутмаслик, қалб, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Унинг исмларини зикр қилиш орқали Аллоҳнинг чексиз қудрати, буюклигини идрок этиш.

**Зот** ذات – ўз, жавҳар, моҳият, асос, асл. Аллоҳ сифатларининг зухуроти, Аллоҳ зоти жиҳатидан борлиқлар оламига нисбатан кўзгудир.

**Зотий сифат** ذاتي صفت – Аллоҳ зотининг тажаллийси.

**Зоҳир** ظاهر – кўриниб турган, очиқ-ошкора, ташқи, юзадаги, дунё.

**Зоҳид** زاهد – дунё ишларидан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган, таркидунё қилган шахс.

**Зухд** زهد – таркидунёчилик, тоат-ибодат билан кун кечириш. Аллоҳга маъқул нарсаларни севиш, Аллоҳ таъқиқларидан воз кечиш.

**Зухур** ظهور – кўриниш, пайдо бўлиш, жилоланиш. Тасаввуфий маслақда Аллоҳ сифатларининг ашёларда жилоланиши, тажаллийси.

**Ибодат** عبادت – Аллоҳга қуллуқ қилиш, унинг фарзларини бажариш, намоз, Аллоҳга сиғиниш.

**Ибтидо** ابتداء – илк, бошланиш.

**Изтироб** اضطراب – бетоқатлик, беқарорлик, ҳаяжон, тинчсизлик, жазба мақомидаги ҳолат.

**Иймон** ايمان – қалбни Аллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб, Ҳаққа боғлаш, Аллоҳнинг амрларига бўйсунуш, унга кўнгил билан инониш ва тил билан иқрор бўлиш.

**Икки жаҳон** ايكي جهان – дунё ва охират, фаний ва боқий дунё.

**Илм** علم – билим, билиш, илоҳий ва дунёвий билимлар.

**Илми ботин** علم باطن – ҳол илми. Тасаввуфий маслакда илоҳий маърифат.

**Илми зоҳир** علم ظاهر – қол илми, шариат илми.

**Илми ладуний** علم لدني – Аллоҳ ҳузуридан келадиган илм, бу илмдан баҳраманд бўлган киши пир ва устозсиз валоят даражасига эришади.

**Илми маърифат** علم معرفت – Аллоҳни таниш илми, маърифат илми.

**Илми шариат** علم شريعت – Аллоҳнинг амри, оят, ҳадис, ижмо, қиёс асосларига таянган дин қоидалари, зоҳирий ҳукмлар мажмуаси, Аллоҳга элтувчи йўлнинг биринчиси, маънавий камолот пойдевори.

**Илм ул-яқийн** علم اليقين – ўқиб-ўрганиш ва ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим, шаръий ва диний ҳукмлар, охират ва Аллоҳнинг сифатларига тааллуқли хабарларга ишониш.

**Илоҳий** الهي – Аллоҳга тегишли, диний.

**Илтижо** التجا – паноҳ тилаш, мухтожлик. Аллоҳдан паноҳ тилаб, Унинг ҳимоясига қочиш, дуо ва зикр пайтида ёрдам ва мададни фақат Ўзидан сўраб ёлвориш, дуо қилиш.

**Илҳом** الهام – илҳом, кўнглига бирор нарсани солиш. Аллоҳ томонидан берилган завқ-шавқ, илоҳий илм, ҳикмат, илоҳий



файз йўли билан қалбда пайдо бўладиган маъно ва ҳақиқатлар.

**Инобат** عنایت – Аллоҳ томон юз буриш, ҳидоятга эришиш.

**Иноят** عناية – лутф, эҳсон, илтифот, ёрдам, эзгулик, Аллоҳнинг марҳамати.

**Инсон** انسان – унутувчи, мавжудотлар ичида улуғи, тафаккур эгаси, Аллоҳнинг ердаги халифаси.

**Инсони комил** الانسان الكامل – гўзал хислат ва барча ахлоқий фазилатлар соҳиби, инсонда яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф камолга етган “Ер юзининг мағзи”, Муҳаммад (с.а.в.).

**Интибоҳ** انتباه – огоҳлик, уйғониш, қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, бедорлик, руҳий уйғониш.

**Ирода** اراده – ирода, хоҳиш, қалбдаги илоҳий муҳаббат ўтидан пайдо бўладиган чўғ, ҳақиқат йўлидаги барча қийинчиликка енгиш, тақдирига рози бўлиш.

**Иродат** ارادت – қасд, ният, хоҳиш, истак, ўзини пир тарбиясига топшириш.

**Ирфон** عرفان – билиш, таниш, англаш, Аллоҳнинг моҳияти ҳақидаги, кашф ва илҳом орқали эришиладиган билим.

**Иршод** ارشاد – Ҳақ йўлга бошлаш, тўғри йўл кўрсатиш ҳуқуқи, ижозат хати.

**Исм** اسم – сифатнинг зоҳири, Аллоҳнинг исмларидаги барча сифатлар.

**Исмат** عصمت – покиза, маъсум, бегуноҳ.

**Исор** ايثار – бағишлаш, тақдим этиш, инъом этиш, ўзини Аллоҳга бағишлаш.

**Истисно** استثناء – ҳар қандай қонун-қоидадан, тартибдан, ҳисобдан ташқари, мустасно.

**Истиқомат** استقامت – турғунлик, барқарорлик, тўғрилиқ, тўғри ҳаракат қилиш, рост йўлга етишиш, давомийлик.

**Истидрож** استدراج – шариат ва тариқат қоидаларига амал қилмайдиган кишиларда вақтинчалик бериладиган ғайри табиий қобилиятларнинг содир бўлиши, шайтоний кароматлар.

**Истилоҳ** اصطلاح – атама, термин, ҳар бир соҳага тегишли бўлган шартли қабул қилинган сўз ва иборалар, сўзларни ўз луғавий ва шаръий мазмунидан фарқ қиладиган маънолар.

**Иститоат** استطاعت – куч, қудрат, иқтидор.

**Истиғно** استغناء – эҳтиёжсизлик озига қаноат қилиш, муҳтож бўлмаслик.

**Истиғроқ** استغراق – фикрга чўмиш, диққатни бир нарсага қаратиш, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса билан алоқани узиб, важд ва ҳолга таслим бўлиш.

**Истиғфор** استغفار – тавба қилиш, гуноҳларни кечирилишини сўраш, Аллоҳга илтижо қилиш.

**Иттисол** اتصال – бирлашиш, қўшилиш, боғлиқлик, муносабат, алоқа.

**Итоат** – бўйсунуш, Аллоҳ амрларига таслим этиш.

**Ихлос** اخلاص – Аллоҳга чин юракдан ишониш, ҳар бир амал ва хатти-ҳаракатда Аллоҳни хоҳлаш.

**Ихтиёр** اختيار – хоҳиш, эрк, ихтиёр, ризолик, мойиллик, танлаш.

**Ишорат** اشارت – сўз билан изоҳланиши мушкул ва илоҳий маънога дахлдор бўлган ҳақиқатлар.

**Ишқ** عشق – муҳаббат, севги, иштиёқ, висол билан якун топадиган илоҳий ҳис-туйғу.

**Ишқи мажозий** عشق مجازي – инсонлар ўртасидаги ва олам гўзаллигига ошиқлик.

**Ишқи илоҳий** عشق الهی – Аллоҳга бўлган ишқ.

**Йўл** يول – йўл, тариқат йўли, сайру сулук.

**Кавнайн** كونين – икки дунё, дунё ва охират.

**Камолот** کمالات – баркамоллик, мукаммаллик, мақомотнинг олий даражаси, етуклик, фазилат чўққиси.

**Каромат** كرامات – икром, шараф, карам, лутф, эҳсон, ғайритабиий ҳолатнинг зухурланиши ва ҳайратланарли воқеа-ҳодисанинг содир бўлиши.

**Каромати кавний** كرامات كوني – қисқа фурсатда рўй берадиган ғайритабиий ҳодиса, ҳавода учиш, денгизда юриш, узоқ йўлни бир фурсатда босиб ўтиш.

**Каромати илмий** كرامات علمي – илм, ирфон, маърифат, ибодат ва маънавий камолот орқали юзага келган турли шакллардаги ғайритабиий ҳодисалар.

**Кашф** كشف – беркитилган, парда остидаги нарсаларнинг қалбда зухур этиши, очилиши, махфийликнинг ошкор бўлиши, илоҳий сирларнинг англаниши.

**Кашфи аҳвол** كشف احوال – ғайб олами билан сирлашиш.

**Кашфи руҳоний** كشف روحاني – илоҳий олами билан боғланиш.

**Кашфу каромат** كشف كرامات – валийлик даражасининг энг қуйи поғонаси, илҳом орқали содир бўладиган ғайритабиий ҳодиса.

**Комил** كامل – мукаммал, етук, камолотга етган.

**Кулл** كل – ҳамма, бутун, жамъ, умумий.

**Кўнгул** كونگل – қалб, дил, Аллоҳнинг нури жамолини кўрсатадиган кўзгу.

**Ладун** لدن – ғайб илми, илоҳий сирларни ўргатувчи илм.

**Латоиф** لطائف – латифлик, кўринмас нозик нукта, ғайб оламидан келиб қалбга кирадиган латиф жавҳар.

**Лутф** لطف – яхшилик, марҳамат, Аллоҳнинг инояти.

**Луқмаи ҳиллия** لقمة حلية – ҳалол луқма.

**Мабдаъ** مبدأ – келиб чиқиш жойи, бошланиш жойи, ибтидо.

**Мавт** موت – ўлим, риёзат билан нафсни туб илдизи билан хою ҳавас заминидан ажратиб ташлаш ва кўнгил софлигига эришиш.

**Мавти иродий** موت ارادى – инсоннинг борлиқ ва дунёвий нарсалардан тамоман халос бўлиши.

**Мажзуб** مجزوب – бутун вужуди билан худога берилган, ҳайратда қолган, девона, жазбага тушган. Аллоҳга руҳан яқин, “ҳайрат мақоми” да турган, фано даражасидаги сўфий.

**Мажоз** مجاز – ҳақиқий эмас, ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз, ибора.

**Маломат** ملامت – таъна, кибру ҳавога берилмаслик учун ўз нафсини маломат қилиш

**Маноқиб** مناقب – яхши хислатлар, фазилатлар, шайх ул-машойихнинг таърифи ва тавсифи келтирилган воқеий ҳикоятлар.

**Манзил** منزل – икки жой орасидаги масофа, турар жой, тариқат манзили, камолотга эришишнинг йўллари.

**Маод** معاد – қайтиб бориладиган жой, охират.

**Маҳлуқот** مخلوقات – яратилган.

**Машраб** مشرب – табиат, одат, хулқ, равиш, илоҳий ишқ шаробини ичган киши.

**Машойих** مشايخ – шайхлар, азизлар, валийлар, фозил, ориф кишилар.

**Маънавият** معنويت – инсоннинг ички олами, ботиний тафаккур, тил, дил ва амал бирлигини уйғунлаштириши.

**Маърифат** معرفت – ўзини билмоқ, англамоқ, ботин илми, яъни тоат-ибодат, зикр, риёзат, мужоҳада, тафаккур, тақво натижасида Аллоҳ бандасига эҳсон қиладиган илм.

**Мақом** مقام – ўрин, даража, тўхтам, манзил, мартаба, риёзат ва мужоҳада орқали эришиладиган маънавий мавқе, босқич.

**Мақомот** مقامات – тавба, ҳалол луқма, шариат риояти, тариқат одоби, мулойимлик, таслим, ризо, сабр, тўғрилиқ риёзат каби руҳий-маънавий камолоти босқичлари.

**Маҳв** محو – йўқолиш, йўқ бўлиш, инсонийлик сифатларидан тамоман йўқ бўлиб, илоҳий сифатлар касб этиш.

**Маҳжуб** محجوب – пардаланган, беркитилган, ўралган, сирли ғайб олами.

**Маҳрам** محرم – улфат, ҳамдам, сирдош.

**Меърож** معراج – юксалиш, кўтарилиш. Муҳаммад (с.а.в.)нинг Аллоҳ ҳузурига кўтарилиши.

**Мосуво** مساوا – Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар.

**Мубтадиъ** مبتدع – бирор ишни янги бошловчи.

**Муддаъий** مدعي – даъвогар, рақиб.

**Мужоҳада** مجاهدة – нафси маҳв этишга қатъий интилиш, ҳар қандай машаққатни ўзига раво кўриш, шиддатли руҳий изтироблардан кейин валийнинг ўз нафси устидан ғалабаси.

**Мукошафа** مكاشفة – тафаккур қилиш, кашф йўли билан билиш, ғайбий сирларнинг очилиши.

**Мумкин ул-вужуд** ممكن الوجود – Аллоҳ томонидан яратилган мавжудотлар.

**Мунзавиъ** منزوي – халқдан четлашган, узлатга чекинган, хилватга кирган солиқ.

**Муножот** مناجات – Аллоҳга илтижо қилиш, қалб сирларини ошкор қилиш.

**Мунқатеъ** منقطع – ажралган, кесилган, узилган, дунё ишларидан четлашган.

**Муомала** معاملة – дунёвий ишлар, ризқ-рўзни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар.

**Муошир** معاشر – ҳамсуҳбат, улфат, Ҳақ аҳлига муҳаббат билан қараб, уларнинг суҳбатларида иштирок этиш, хизмат қилиш, савобга умид қилиш.

**Мураққаъ** مرقع – ямалган, куроқ солинган дарвешлар киядиган тўн, хирқа, жанда.

**Мурид** مرید – талаб этувчи, истовчи, пирга қўл берувчи.

**Мурод** مراد – тилақ, орзу, ният, мақсад.

**Муроқаб** مراقبة – Аллоҳ ёди билан банд бўлиш, дунёга тааллуқли хаёл, ўткинчи майллардан фориғ бўлиш, Аллоҳ томонидан ҳамиша кузатилиб туришига ишониш ва Аллоҳни кўриб тургандек амал қилиш.

**Мурувват** مروت – мардлик, одамгарчилик, сахийлик, лутф-эҳсон, инсоф, ўзгаларнинг қусур-камчиликларидан кўз юмиш.

**Муршид** مرشد – йўл кўрсатувчи, шайх, устоз, тариқат пири.

**Мусоҳаба** مصاحبة – солиқнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиши.

**Мустажоб** уд-даъво مستجاب الدعوا – талаблари қабул бўлган, дуолари қабул бўлган.

**Мутааббид** متعبد – ибодат қилувчи, ибодат билан кўп шуғулланувчи.

**Мутаажжиб** متعجب – ҳайрон қолган, таажжубланган.

**Мутаанний** متائي – жидду жаҳд билан машаққат тортувчи.

**Мутаважжих** متوجه – юз тутиш, йўналиш, Аллоҳ розилиги учун Аллоҳга юзланиш.

**Мутаваккил** متوكل – Аллоҳга таваккул қилувчи.

**Мутаварриъ** متورع – парҳезкор, ҳаромдан парҳез қилган, шубҳали таомлардан сақланган, ман қилинган ишлардан чекинган.

**Мутажаллий** متجلي – жилованиб турувчи, порлаб турган, ошкора кўриниб турган.

**Мутакаллим** متكلم – сўзловчи, нотик, калом илми олими, маърифат ва ҳақиқат сирлари кашшофи.

**Мутамаккин** – бир жойда турувчи, барқарор, муқим.

**Мутамассил** متصل – тақлид қилувчи, ўзини бошқага ўхшатувчи.

**Мутараддид** متردد – тараддудланган, иккиланувчи, бир қарорга келмаган, беқарор, солиқнинг нафси амморадаги ҳоли.

**Мутасаввиф** متصوف – тасаввуф таълимоти намояндалари, валий ва ориф зотлар.

**Муттақий** متقى – тақводор, парҳезкор.

**“Муту қобла ан тамуту”** موتوا قبل ان تموتو – “Ўлмасдан бурун ўлингиз”, жисмонан ўлмай туриб, нафсни жиловлаш.

**Мушоҳада** مشاهدة – кўриш, томоша қилиш, шоҳидлик, Аллоҳнинг бирлиги ва борлигига тўлиқ ишонч, илоҳий тажаллийнинг ибтидоси, Ҳақдан етадиган ирфон нури.

**Муҳаббат** محبت – (ҳибба حبه – устига тупроқ тортилган уруғ) яқинлик, садоқат ҳисси, ишқнинг мартабаларидан бири.

**Муҳаққиқ** محقق – риёзат билан нафсини тарбиялаган, сайру сулук билан шуғулланиб, Ҳаққа етган, олий мартабали ориф.

**Муқаллид** مقلد – тақлид қилувчи, ҳақиқатдан йироқ, тасаввуф таълимотининг фалсафий ғоялари ва ахлоқий қоидаларининг назарий жиҳатларига эргашувчилар.

**Муҳибб** محب – севувчи, дўст тутувчи, ошиқ, дўст.

**Муҳосаба** محاسبه – сарҳисоб қилиш, ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисоб бериш.

**Мўъжиза** معجزة – илоҳий лутф, Аллоҳнинг ўз Пайғамбарига инояти, атоси.

**Набий** نبي – хабар келтирувчи, пайғамбар, расул.

**Надомат** ندامت – пушаймонлик, афсусланиш, таассуф.

**Нажот** نجات – озодлик, қутулиш, халос бўлиш.

**Назь** نزع – жон чиқиш вақти, ҳолати, умрнинг сўнгги дақиқалари.

**Намоз** نماز – Аллоҳ билан бевосита боғланиш, қалбдан Аллоҳга юзланиш.

**Нафас** نفس – тирикликни таъминловчи нафас, илоҳий файз, лутф.

**Нафс** نفس – ўзлик, рух, жон, зот, инсон табиатидаги асосий куч, инсонни дунёга боғлайдиган занжир

**Нафси аммора** نفس امارة – ёмонликка буюрувчи нафс, инсоннинг вужудидаги “мен”лик, манманлик, кибр ва залолатга етакловчи орзу.

**Нафси комила** نفس كاملة – барча ёмонликлардан қутулган, камолотга эришган ва покланган нафс.

**Нафси лаввома** نفس لوامة – хато-камчиликларини англагач, ўзини маломат қилувчи нафс.

**Нафси мулҳама** نفس ملحمة – маънавий ҳаётнинг гўзаллигидан баҳра олиб, илоҳий сирларга ошно бўлган, ёмонликлардан қутулишга интиланган нафс.

**Нафси мутмаинна** نفس متمننة – иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, сўфийни хатоликлардан асрай оладиган нафс.

**Нафси розиййа** نفس راضية – Аллоҳнинг берган неъматларига рози ва шукр келтирган нафс.

**Наҳйи мункар** النهي عن المنكر – кишиларни Аллоҳ ман этган ишлардан қайтариш.

**Нифоқ** نفاق – кишининг айтган сўзининг феълига тўғри келмаслиги, мунофиқлик.

**Нубувват** نبوت – набийлик, Аллоҳнинг ҳукмларини халққа етказиш масъулияти юкланган пайғамбарлик. Бу мартаба Муҳаммад пайғамбарнинг вафоти билан тамом бўлган.

**Нур** نور – ёритувчи, ойдинлаштирувчи қувват, яширин имкониятларнинг ладун (ғайб) илми орқали юзага чиқиши.

**Нури Муҳаммадий** نور محمدي – Аллоҳнинг охириги пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)нинг қалин нур таратувчи



нуқта кўринишидаги руҳи азалдан мавжуд бўлгани ҳақидаги таълимот.

**Обид** عابد – ибодат қилувчи. Аллоҳга юзланган ва умрини ибодат билан ўтказган кишилар.

**Одоб** آداب – тарбия, хулқ, амал қилиш, шариат (шариат ва суннатга амал қилиш), тариқат (тариқатнинг одоб ва арконига амал қилиш), маърифат (нафси амморани енгиб, илми илоҳийни ўзлаштириш), ҳақиқат (Аллоҳдан бошқасидан юз буриб, барча амалларни Аллоҳ розилиги учун қилиш) одоби.

**Ожиз** عاجز – заиф, бечора, кучсиз, мағлуб, иложсиз.

**Озод** آزاد – дунё ва дунёга алоқадор ҳар қандай боғланишлардан холи, маънавий хурриятга эришган, тўла маънодаги эркин инсон.

**Олам** عالم – дунё, жаҳон, коинот, борлиқ, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсанинг номи.

**Олами амр** عالم امر – ҳеч қандай сабабга боғлиқ бўлмасдан яратилган малакут олами.

**Олами арвоҳ** عالم ارواح – руҳлар олами.

**Олами дунё** عالم دنيا – дунё олами, ер юзи.

**Олами кубро** عالم كبرى – буюк олам, Аллоҳ.

**Олами суғро** عالم صغرى – кичик олам, инсон.

**Олами халқ** عالم خلق – яратилган олам.

**Олами шаҳодат** عالم شهادت – кўринадиган, зоҳирий олам.

**Ориф** عارف – ирфон соҳиби, таниган ва англаган, Аллоҳнинг исм, сифат, зот, феълларини идрок этган, тариқат мақомларини ўтаб ҳақиқат даражасига етган, илоҳий файз эгаси, ҳол илми соҳиби.

**Олим** عالم – ҳар қандай воқеа-ҳодисани шарҳлашда далил ва иснодга асосладиган, қол илми соҳиби.

**Ошиқ** عاشق – ишқ тутқуни, Ҳақ ишқи мубталоси.

**Офоқ** آفاق – уфқлар, дунё, олам.

**Партав** پرتو – нур, шуъла, порлоқлик, ёруғлик.

**Порсо** پارسا – парҳезкор, тақводор, гуноҳлардан сақланувчи, художўй.

**Пир** پير – кекса, қари, тариқатдан сабоқ берувчи муршид, маънавий раҳбар.

**Раббоний** رباني – Аллоҳга оид, Аллоҳ яратган, Аллоҳнинг ихтиёридаги.

**Равиш** رویش – йўл, йўриқ, расм, қоида.

**Ражо** رجاء – умид, тилак, банданинг гуноҳ қилиш хавфидан қутилганига умид қилиши, қалбнинг Аллоҳ васлига эришиши учун дийдор соғинчи,

**Рамз** رمز – яширин маъноларни ифода этувчи, тасаввуф аҳлининг бошқа кишилар англай олмайдиган ўзаро сўзлашув услуби.

**Расти-расиди** رستي-رسيدي – халос бўлиш, узилиш ва етиш, дунёдан узилиб, диққатни Аллоҳ мушоҳадасига қаратиш.

**Расул** رسول – элчи, китоби бор пайғамбар, фазилат ва даражасига кўра, набийдан устун.

**Рафъ** رفع – кўтариш, юксалтириш, очиб ташлаш, йўқ қилиш.

**Риё** ريا – ўзини ёмонликлардан сақланган киши қилиб кўрсатиш, иккиюзламачилик, мунофиқлик, ихлоссиз ибодат.

**Риёзат** رياضت – Аллоҳга етишиш йўлида нафс ва шайтон хийласини енгиш шарт бўлган қийинчилик, заҳмат, машаққат, нафс орзуларига барҳам бериш.

**Ризо** رضا – тақдирнинг ҳукмига рози бўлиш, хушнудлик, мамнунлик.

**Ризқ** رزق – насиба, улуш.

**Робита** رابطة – алоқа, боғланиш.

**Розиаллоҳу анҳу** رضي الله عنه – Аллоҳ ундан рози бўлсин.

**Рух** روح – илоҳий нафас, Ҳақнинг тажаллийси.

**Рўза** روزه – руҳан ва жисмонан покланиш, ҳидоят ва саодатга эришиш.

**Сабр** صبر – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устуворлик, Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлиш.

**Садр** صدر – ҳамма нарсанинг аввали ва ибтидосининг энг яхшиси, улуғлик, юксаклик.

**Саййид** سيد – Пайғамбар авлоди, етакчи, бошлиқ, султон.

**Саййиди аброр** سيد الابرار – саодатли кишиларнинг энг яхшиси, Муҳаммад (с.а.в.).

**Саййид ул-орифийн** سيد العارفين – орифлар султони, Боязид Бистомий, Абу Саид Харроз, Абдулхолик Ғиждувоний, Ориф Ревгарий эришган мақоми.

**Саййид ут-тоифа** سيد الطائفة – Ҳақ йўлчилари султони. Жунайд Бағдодий эришган мартаба.

**Сакр (сукр)** سكر (سُكْر) – Аллоҳ васлидан сархушлик, илоҳий жазабага тушиш, султоний ҳолнинг энг юксак камолга эришган ҳолати.

**Самоъ** سمع – эшитиш, тинглаш, ашула, куй, муножот, илоҳий жазба, завқ-шавқ ҳоли.

**Сафар** سفر – йўлга чиқиш, тасаввуфий маънода қалбни Аллоҳга йўналтириш, қалб саёҳати, нафси хор қилиш.

**Сафо** صفا – поклик, ёруғлик, равшанлик, порлоқлик, қалбни поклаш.

**Сафват** صفوت – софлик, равшанлик, порлоқлик.

**Сахв** سحو – ҳушёрлик, ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қараб, ўзлигидан айрилмаслик, Аллоҳ билан саломатда бўлиш ҳоли.

**Сиддиқ** صديق – ростгўй, чин дилдан тасдиқ этиб ишонувчи. Валийликдаги энг юқори мартаба, Абу Бакр Сиддиқ эришган мақом.

**Сидқ** صدق – ростгўйлик, кўнгилда борини тилда баён қилиш.

**Сийрат** سيرت – хулқ-атвор, хислат, одат, ҳол.

**Сирр** سر – яширин, махфий, сирли, ботиний нигоҳ билан англанадиган, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, Аллоҳ билан банда ўртасидаги яширин ҳақиқат.

**Сифат** صفت – Аллоҳ зотининг тажаллийси, Аллоҳнинг аслий сифатлари ҳаёт, илм, ирода, таквин (қудрат), самийъ, басир, калом..

**Солик** سالک – йўлчи, йўловчи, сулукка кирган киши. Тасаввуфда тариқатни ихтиёр қилиб, руҳий покланиш йўлига кирган, ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган сўфий.

**Соҳиб** صاحب – эга, тасарруф этувчи.

**Соҳиби сирр** صاحب السر – илоҳий сирлар соҳиби

**Соҳиби табъ** صاحب طبع – закий киши, характер эгаси.

**Соҳиби тамкин** صاحب التمكين – ҳайбат, оғиртабиатлилик, буюк, вазмин савлат соҳиби.

**Сукут** سكوت – тафаккур қилиш, ҳаракатсизлик, жимлик, қалб мушоҳадаси.

**Сулук** سلوك – тариқатга кириш, йўл.

**Сурат** صورت – шакл, расм, ҳол, кайфият, ташқи кўриниш.

**Сўфий** صوفي – тасаввуф йўлига кирган, тариқат одоб-арконларига риоя қилган, халқ эъзозлаган азиз авлиё, илоҳий нафасли киши, илм ул-яқин рутбасидан айн ул-яқин рутбасига тараққий этган инсон.

**Суҳбат** صحبت – мулоқот, хос кишиларнинг йиғини, мажлис.

**Сўз** سوز – гапириш, ижод, куйдириш, ўрташ, куйиш ва ўздан кетиш.

**Таважжух** توجه – юзланиш, зеҳни диққат билан бир нарсага қаратиш, Аллоҳга юзланиш.

**Таваккул** توكل – ҳар бир ишда Аллоҳга суяниш, ожизлигини Аллоҳга билдириш.

**Тавба** توبة – қилган гуноҳлардан қайтиш, пушаймон бўлиш, Аллоҳ розилигига хилоф бўлган ҳар қандай сўз ва феъдан қайтиш.

**Тавбаи насух** توبة نسوح – қайта гуноҳ қилмаслик аҳди билан қилинган асл тавба.

**Тавозуъ** تواضع – адаблилик, ўзини паст тутиш, хокисорлик, камтарлик.

**Тавфиқ** توفيق – мувофиқланиш, мувофиқлик, уйғунлик, ёрдам, мадад.

**Тавҳид** توحيد – Аллоҳнинг ягоналигига ишониш, илоҳий ҳақиқатлар ошкор бўлганда бошқа барча дунёвий ашёларнинг арзимаслигини англаш.

**Тадбир** تدبير – чора, илож. Бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, руёбга чиқариш воситаси, пухта ўйлаб тузилган амалий чоралар мажмуи.

**Тажаллий** تجلي – жилоланиш, кўриниш, нурланиш, илоҳий нур ва сирлар, илоҳий файзнинг кўнгилда қарор топиши.

**Тажрид** تجريد – яккалик, танҳолик, дунёдан узилиш, дунё неъматларини қалбдан чиқариб, Аллоҳга боғланиш.

**Таквин** تكوين – бирор нарсани йўқликдан борликқа чиқариш, ижод қилиш. Таквин Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, Аллоҳ ана шу сифат орқали ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ қилган.

**Такаббур** تكبر – кибр, ҳавои-нафсга берилиш, ўзини бошқалардан устун қўйиш.

**Талбис** تلبيس – ҳийла, макр, найранг, ёлғон.

**Талаб** طلب – сўраш, исташ, хоҳиш, майл, маърифат мақомининг биринчи даражаси.

**Талвин** تلوين – хилма-хиллик, ранг-баранглик. Бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгариш, бир рангдан бошқа рангга ўтиш.

**Тамаъ** طمع – очкўзлик қилиш ва кишиларнинг молига кўз тикиш.

**Тамкин** تمكين – оғирлик, чидам, ҳайбат, савлат бир манзилда қарор топиш, собитлик ва руҳий улуғворликка эришиш.

**Танзих** تنزيح – ёмонлик ва ярамасликлардан пок қилиш ва тозалаш.

**Тариқат** طريقت – йўл, мукаммал ахлоқ йўли, ишқ, муҳаббат ва жазба билан эришиладиган, камолотга олиб борувчи йўлнинг иккинчиси.

**Тариқат одоби** ادابى طريقت – тариқатга кирган сўфийлар амал қиладиган ахлоқий мезонлар.

**Тасаввуф** تصوف – сўфийлик, ўрта асрлар мусулмон жамияти элитар қатлами (Аллоҳнинг дўстлари)нинг ҳаёти, турмуши ва тафаккур тарзини белгилаган диний-фалсафий таълимот.

**Тасарруф** تصرف – ихтиёр, эгалик, ўз ихтиёрига олиш, эгалик қилиш.

**Таслим** تسليم – бўйсунуш, бирор фикрни қабул этиш, ён бериш, ҳар бир ишда ихтиёрни Аллоҳ ҳукмига ҳавола этиш.

**Тасфия** تصفية – сафо, тараққий, юксалиш, покланиш, бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир мақомдан бошқа бир мақомга кўтарилиш.

**Тафаккур** تفكر – фикрлаш, муҳокама қилиш, Аллоҳнинг қудрати ва ҳикматидан ҳайратланиш, унинг маърифатини тафаккур қилиш.

**Тафрид** تفرید – ёлғизланиш ва Аллоҳнинг ягоналик сирига эришиш, Аллоҳ билан бир бўлиш, ўзини шикаста, ожиз тутиш.

**Тафриқа** تفرقة – ажратиш, фарқ қилиш.

**Ташбиҳ** تشبيه – ўхшатиш.

**Таъвил** تاويل – баён қилиш, изоҳлаш, “Қуръон” маъноларининг яширин сирларининг “кашфи руҳоний” мартабасида англаниши.

**Тақво** تقوى – Аллоҳдан қўрқиш, ҳаромдан ҳазар қилиш.

**Таҳаввур** **تحوّر** – мислсиз шижоат, бутун вужуд билан интилиш, Аллоҳ йўлидаги ғайрат-шижоат.

**Таҳаййур** **تحير** – ҳайратланиш, ҳайронлик, ажабланиш.

**Таҳаммул** **تحمل** – сабр, тоқат, чидам.

**Таҳрим** **تحريم** – манъ этилган, ҳаром қилинган.

**Таҳқиқ** **تحقيق** – бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш, текшириб кўриш.

**Тийнат** **طينت** – асл тупроғи, табиати, ҳолати, қондан ўтган асл ҳолати.

**Тоат** **طاعت** – итоат этиш, бўйсунуш, диний буйруқларни бажариш.

**Толиб** **طالب** – тариқатга кириб, Аллоҳ ризосини талаб қилган сўфий.

**Турфат ул-айн** **طرفت العين** – кўз очиб юмгунча, бир лаҳзада.

**Убудият** **عبوديت** – баъдалик қилиш.

**Увайсий** **عويسي** – Аллоҳ йўлига кирган ва тариқатда пири бўлмаган сўфийни пайғамбар ёки машойихдан бирининг руҳи тарбия қилиши. Илк увайсий Муҳаммад (с.а.в.)нинг руҳоний тарбиясига сазовор бўлган Увайс Қараний.

**Ужб** **عجب** – манманлик, худбинлик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, риёкорлик.

**Узлат** **عزلة** – хилват, пана жой, чекка, ёмон иш ҳамда ёмон одамлардан узоқлашиш, беҳуда иш ўрнига тоат-ибодат билан машғул бўлиш, ўзи халқ билан бўлса-да, қалби Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиши, жамоат ичида бўлса ҳам фикру зикрни Аллоҳдан узмаслик.

**Улвий** **علوي** – олий, юқори, юксак, илоҳий.

**Уммий** **امي** – дунёвий илмлардан баҳраманд бўлмаган, аммо Аллоҳнинг илм ва ҳикматидан насибадор киши, Муҳаммад (с.а.в.).

**Унс** انس – дўстлик, яқинлик, севинч, Аллоҳ жамолини идрок этиш жараёнида қалбда фараҳ ва севинчининг ҳосил бўлиши, жамолдан қалбнинг шодланиши.

**Уқбо** عقبى – охират, нариги дунё, бақо олами.

**Файз** فيض – Аллоҳ ҳузуридан сўфий қалбига ўрнашадиган илоҳий нур, маърифат, ирфон.

**Файзи назар** فيض النظر – муриднинг мурид кўнгил ойнасига назар солиши. Бу боқиш муриднинг қалбида ишқ ва жазба уйғотади.

**Фазл** فضل – Аллоҳнинг лутфи, марҳамати, эҳсон.

**Фазозат** فضاضت – кўнгил қаттиқлиги ва шафқатсизлик, ярамас хулқлилик.

**Фано** فنا – фанийлик, йўқ бўлиш, ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик қилишлик.

**Фанойи бақо** فناء بقا – ташқи оламдан тамоман узилиш, Аллоҳга яқинлик.

**Фано филоҳ** فنا في الله – фано мақомига етган валий Аллоҳнинг қудрати ва улуғлиги ҳақидаги фикру зикрга ғарқ бўлиши ва бу фаний дунёдаги барча нарсаларни унутиши.

**Фано фит-тавҳид** فنا في التوحيد – дунёдан кечиб Аллоҳда фаний бўлиш, ўзини дунёда йўқ ҳисоблаб, нафсида ўлиб, Ҳақда тирилиш.

**Фарз** فرض – ислом оламида ҳар бир мўмин бажариши шарт бўлган шариатнинг қонун-қоидалари (иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж).

**Фаросат** فراست – ботиний сезги, ҳис, қалб кўзи билан кўриш

**Фароғат** فراغت – тинчлик, хотиржамлик, озодлик, истироҳат, ҳамма нарсадан қутулиш.

**Фардоният** فردانيت – ягоналик, бирлик.

**Фарқ** فرق – ажралиш. Фарқ солиқнинг ашёларни Аллоҳдан айри, аммо Аллоҳдан деб билишдир.



**Фасод** فساد – бузуқлик, тартибсизлик.

**Фақиҳ** فقيه – шариат илмининг билимдони, ислом ҳуқуқшуноси.

**Фақр** فقر – Аллоҳдан бошқа ҳеч бир нарсага муҳтожлиги бўлмасдан, таваккул эътиқоди билан яшаш, энг юқори мақом.

**Феъл** فعل – иш, ҳаракат, одат.

**Фикрат** فكرت – ўйлаш, фикрлаш, тушуниш, тушунча.

**Фоъил** فاعل – бажарувчи, ишловчи.

**Фаросат** فراست – фаҳм, заковат, дид, ирфоний маънони тўғри фаҳмлаш.

**Футувват** فتوت – йигитлик, мардлик, саховат, хушхулқлик, барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслик, барчани ўзидан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўймаслик.

**Хавф** خوف – солиқнинг иймондан ажралишидан қўрқиши.

**Халифа** خليفة – ўринбосар.

**Халқ** خلق – яратилган, вужудга келтирилган, инсон.

**Хизр** خضر – тириклик сувини топган ва ҳамиша тирик бўлган, “Қуръон”да тилга олинган, ладун илми ва каромат соҳиби, яхшилик ва эзгулик тимсоли.

**Хилват** فراست – танҳо бўлиш, дунё ишларидан ўзини тортиб, руҳан покланиш учун танҳо бўлиш, нафсни енгиб, кўнгилни поклаш.

**Хожа** خواجه – хожа, хўжайин, тариқат шайхига бериладиган унвон.

**Хом** خام – пишмаган, пўк, Ҳақ ва ҳақиқатни ҳали мукаммал идрок қила олмаслик, моҳиятни англамаслик.

**Хонақоҳ** خانقاه – сўфийлар яшайдиган жой. Илк хонақоҳ Шомнинг Рамла шаҳрида барпо этилган.

**Хос** خاص – махсус, алоҳида, маъно аҳли, қалби мунаввар, ахлоқи гўзал, халқни яхшилик ва эҳсонга, амирларни амри

маъруф ва наҳйи мункарга, илм аҳлини тўғрисўзликка даъват қилувчи, мусулмон жамияти элитар қатлами.

**Хотир** (хавотир) **خاطر** – ўй, фикр, хаёл, қалба пайдо бўладиган туйғу, маънавий хитоб.

**Хулқ** **خلق** – ахлоқ, одоб, хатти-ҳаракат, эътирозлардан воз кечиш.

**Шавқ** **شوق** – Аллоҳга бўлган ишқ, муҳаббат, кўнгилда пайдо бўлган руҳоний истак, майл, интилиш.

**Шайх** **شيخ** – кекса, оқсоқол, пир.

**Шариат** **شريعة** – Аллоҳнинг амри, оят, ҳадис, ижмо, қиёсга асосларига таянган диний қоидалар, зоҳирий ҳукмлар мажмуаси, Аллоҳга элтувчи йўлнинг биринчиси, сўфий маънавий камолотининг пойдевори.

**Шатҳия** **شطحية** – тўлиб-тошиш, сўфийнинг завқу ҳол, ҳаяжон, жазба ҳолида халқ тушунмайдиган ва қабул қила олмайдиган сўзларни айтиш.

**Шукр** **شكر** – Аллоҳнинг неъматларига миннатдорлик билдириш.

**Эран** **ايرن** – валий, Аллоҳнинг севиқли дўсти, ориф.

**Эътикоф** **اعتكاف** – поклик, “Қуръон” ва суннат билан собит бўлган шаръий амал.

**Эҳсон** **احسان** – хайр, ҳадя, борини баҳам кўриш, маънавий лутф-карам.

**Яқийн** **يقين** – ишонч, бирор нарсага қатъий ишониш, аниқ, шубҳа-гумондан холи илм.

**Қадар** **قدر** – миқдор, даража, тақдир, қисмат, пешонага ёзилгани.

**Қаййум** **قيوم** – барқарор турувчи, абадий, ўзгармас, Аллоҳнинг исмлари ва сифатларидан бири.

**Қалб** **قلب** – кўнгил, юрак, дил.

**Қаноат** **قناعت** – нафсининг истагига қарши бориш, барча истаклардан воз кечиш, ейиш, ичишда қаноат қилиш.

**Қисмат** قسمت – бўлиш, тақсим, қисм, ҳисса, улуш.

**Қоба қовсайн** قاب قوسين – икки ёй оралиғи, беҳад яқинлик, яъни Аллоҳ билан банданинг яқинлигига ишорадир.

**Қудсий** قدسي – покликка мансуб, тозалиқ, муқаддас.

**Қурб** قرب – яқинлик, солиқнинг Аллоҳга яқинлиги, аввало унга иймон келтириб, уни тасдиқлаши, муҳаббат бутун қалб билан ишққа асир бўлиши, маҳбубни барча нарсдан афзал кўриши.

**Қутб** قطب – ўрта, марказ, ҳар бир нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учи, маънавий йўлбошчи, авлиё, муршиднинг олий унвони.

**Ғавс** غوث – ёрдам, мадад, мададкор, валийликнинг энг олий даражаси.

**Ғайб** غيب – ғойиблик, ҳозир эмаслик, кўзга кўринмаслик, сир, яширинлик. руҳнинг илоҳий қувват билан мулоҳаза ва тафаккурсиз ғайбий маъноларни англаши.

**Ғайбат** غيبت – ўз ҳолидан ғойиб бўлиш, беҳуш бўлиш, ўзидан кетиш.

**Ғайн** غين – қалб изтироби, қалбдаги парда, очилмаган сирлар, худди осмонни ўраб олган булут каби ақлнинг зулмат, қоронғилиқда қолиши, сирларнинг англашилмаслиги.

**Ғайрат** غيرت – саъй-ҳаракат, бутун вужуд билан берилиш, жидду жаҳд.

**Ғалабот** غلابات – Аллоҳга бўлган муҳаббатнинг барча нарсдан устун келиши.

**Ғалаён** غلايان – қайнаш, кўтарилиш, ҳаяжон. Нафси аммора ҳолидаги сўфий нафсининг исёни, норозилик, сўфий ички оламидаги туғён.

**Ғараз** غرض – ёмонлик, қасд, адоват, ички душманлик.

**Ғариб** غريب – мусофир, кимсасиз, бошқа жойдан келган, беватан.

Ғафлат **غفلت** – ғофиллик, бепарволик, беҳабар.

Ғизо – **غذا** озуқа, егулик, овқат, таом.

Ғино **غناء** – бойлик, мол-давлат, дунё.

Ғулув **غلو** – чегарадан чиқиш, ғавғо, бесарлик, ташвиш.

Ғаво **هوا** – орзу, майл, истак, ўткинчи орзу, ҳавас, майл, истаклардан воз кечиши ва нафсга қарши кураш.

Ғаёт **حيات** – тириклик, яшаш, умр.

Ғаёти жамъ **حيات جمع** – қалбнинг паришонлик, ажралиш ҳалокатидан қутулиб, ўзида ҳикматни мужассамлаштириши.

Ғаёти илм **حيات علم** – қалбнинг нодонлик, билимсизлик, жоҳиллик ўлиmidан халос бўлиб, илм билан яшаши.

Ғаёти Ғақ **حيات حق** – қалбнинг фанофиллоҳ ва бақобиллоҳ мақомларига юксалган вужуд ғаёти.

Ғазрат **حضرت** – ҳурматли, олий насабли, юқори мартабали авлиё, пир.

Ғайрат **حيرت** – ошиқнинг фанофиллоҳ мақомига етишиши учун босиб ўтилган йўл, илоҳий маърифат ҳақиқатини англаш.

Ғақ **حق** – Аллоҳнинг исмларидан бири.

Ғақиқат **حقيقت** – асл моҳият, чиндан мавжуд бўлган, Аллоҳга етишнинг охири, ҳидоят йўли.

Ғаққ ул-яқийн **حق اليقين** – ҳақиқий ишонч, мушоҳада орқали Ғаққа етиш илми. Орифнинг сифатлари Ғақ сифатида фоний бўлиб, илм, шухуд ва ҳол жиҳатларидан Ғақ билан боқий бўлиши.

Ғидоят **هدايت** – етаклаш, тўғри йўлга етаклаш.

Ғижоб **حجاب** – парда, тўсиқ, Ғақ нури билан тўсилган.

Ғикмат **حکمت** – донишмандлик, қалб, ақл ва сўз бирлиги.

Ғилм **حلم** – мулойимлик, юмшоқлик, қаттиқликдан майинликка айланиш.

Ғиммат **همت** – қалбнинг қувват ва ғайрат билан Аллоҳга қаратилиши.

**Ҳодиса** **حادثة** – содир бўлган, юз берган, бўлиб ўтган воқелик.

**Ҳол** **حال** – ҳол, вазият, қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, руҳ ва юракнинг қуввати ифодаси, маънавий-руҳий камолот натижаси.

**Ҳол илми** **علمي حال** – қалбда ризо, таслимни муқимлаштирадиган аҳвол, шавқ, важд, ҳузур, маънавий-руҳий ҳолат.

**Ҳол даражалари** **حال د رَجُلِي** – қурб, муҳаббат, завқ, шавқ, унс, мужоҳада, мужоҳада, мукошафа.

**Ҳол соҳиби** **حال صاحب** – руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий етук ориф.

**Ҳувайдо** **هویدا** – белгили, ошкор, аён, сир-синоатсиз.

**Ҳузур** **حضور** – халқдан кечиб, Ҳаққа юз буриш, Ҳақ зикрининг қалбни эгаллаши.

**Ҳулул** **حلول** – кириш, бирор нарсанинг ичига кириб ўрнашиш, сингиш.

**Ҳур** **حور** – озод, эркин, покиза.

**Ҳуррият** **حریت** – эркинлик, озодлик, Аллоҳга юксак даражада бандалик қилиш ҳолати.

## ХУЛОСА

*Ўзингни билганингда Ҳақни билдинг,  
Амин бўлким, етиб манзилга келдинг.  
Хабар топдингми, бас, бир ўзга лаззат,  
Тушар кўнгилга, қучгай жонин албат<sup>401</sup>.*

Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” китобидаги тасаввуф истилоҳларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги мухтасар хулосаларга келинди:

биринчидан, “Тазкират ул-авлиё” да авлиёларнинг ҳаёт ва ижод йўли ёритилган. Асарда келтирилган ибратли нақллар, ривоят ва ҳикоятлар Шарқ халқларининг асрлар оша миллий-маънавий юксалишига маънавий асосдир;

иккинчидан, Фаридиддин Атторнинг агиографик мероси ўзидан кейин яшаган кўплаб адиблар учун маънавий озиқ, илҳом манбаи, бадиий кашфиётлар эшигини очувчи илмий-маърифий манба бўлиб, адабий жараёнда етук асарлар ёзилишига замин яратган;

учинчидан, “Тазкират ул-авлиё” да ягона Аллоҳга эътиқод қилиш, инсонга меҳр-шафқат, хато ва гуноҳларини кечириш, унга беминнат, холис яхшилик қилиш каби гуманистик фазилатлар улуғланганки, васф этилган фазилатлар юксак ахборотлашган тараққиёт даврида ҳам катта аҳамиятга эга. Бугунги XXI асрнинг замонавий илғор кишиси юксак технология имкониятларидан баҳраманд бўлишига қарамай, уларнинг руҳий-маънавий олами ўтмишдаги аجدодлар руҳий оламидан анчагина қуйи даражададир;

---

<sup>401</sup> Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома / Шайх Фаридиддин Аттор. Асрорнома (Мантиқ ут-тайр, Асрорнома, Илоҳийнома, Панднома, Булбулнома, Уштурнома). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол камол таржимаси. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – Б. 170.

тўртинчидан, “Тазкират ул-авлиё”да келтирилган биргина нафс тарбияси борадаги ўғит ва хулосалар глобал жараён оқибатида дунёнинг барча минтақаларида авж олган эгоцентризм ва шафқатсизлик, текин ҳузур-ҳаловатга эга бўлиш учун очкўзларча интилиш каби иллатларга қарши курашда қалқон вазифасини ўтайди;

бешинчидан, инсоният янги минг йилликка қадам қўйган XXI асрда дунё халқлари маданий-маърифий жиҳатдан бир-бирини бойитишда умуминсоний мерос, маънавий қадриятлар ифодаси бўлган “Тазкират ул-авлиё” каби асарлар инсониятни эзгулик, бағрикенглик ва меҳр-шафқат умуминсоний қадриятларга чорловчи юксак ахлоқий намуна вазифасини ўтайди.

Хуллас, “Тазкират ул-авлиё” ўз даврнинг юксак бадий ва маънавий камолот намунасидир. X-XIII асрлардан кейин буюк асарлар яратилмаётганининг сабабини инсониятнинг ҳаётнинг олий мақсадини топа олмагани ва юксак идеаллардан йироқлашуви билан изоҳлаш ўринли.

Маданият янги даврнинг намунаси, муаммоларнинг ҳал этишнинг изчил парадигмасини шакллантирмагунича, инсон мақсадсиз ва маъносиз ҳаёт кечиришда давом этади. Буни яна бошқача ифодалаш орқали фикр теран англашилади: мақсад бўлиши учун стратегия, яъни аниқ мақсад билан ташкил этилган барча хатти-ҳаракатлар тўғри белгиланиши керак.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирлар ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори // – Тошкент: Халқ сўзи, 2018 йил 15 май.

2. Köprülüzade M. Turk edebiyatında ilk mutasavviflar. – Ankara, 1987. – 230 s.

3. Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul: Marifat yayinlari, 1991. – 1326 s.

4. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Муҳаммад Термизий. Маърифат ул-асрор / Таржимон М.Турсун. Масъул муҳ. А.Мансур. – Тошкент: 2018. – 104 б.

5. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец (Кашф аль махджуб ли арбаб аль кулуб / Перевод с английского А.Орлова. Издание первое. – Москва: Единство, 2004. – 604 с.

6. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. МАТ. 17-жилд / Нашрга тайёрловчилар: С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. – Тошкент: Фан, 2001. – 521 б.

7. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 524 с.

8. Григорян С.Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. – Москва: Наука, 1960. – 352 с.

9. Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги луғот, истилоҳот ва таъбироти ирфони. – Техрон: 1350. – 875 б.

10. Исҳоқова З. Комиллик калити. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2016. – 252 б.



11. Исҳоқова З. Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини. Монография. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011. – 296 б.

12. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.

13. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – 448 б.

14. Комилов Н. Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ўзбекистон – Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 206 б.

15. Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: 2008. – 144 б.

16. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муалл. А.Мансур. – Тошкент: ТИУ, 2004. – 624 б.

17. Маматов М. Сущность суфизма. – Уфа: Издательство БГПУ, 2011. – 193 с.

18. Наврузова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс. фан. док. дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 32 б.

19. Носиров Р. Тасаввуф таълимоти ва уни ўрганишнинг баъзи методологик қирралари / Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанининг долзарб муаммолари. Тўплам. – Тошкент, 1996. – Б. 141-144.

20. Петрушевский И. Ислам в Иране в VII-XV вв / Курс лекций. – Ленинград: ЛГУ, 1966. – 400 с.

21. Степанянц М. Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. – Москва: Восточная литература, 2001. – 511 с.

22. Степанянц М. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – 192 с.

23. Турар У. Тасаввуф тарихи. Таржимон Н.Хасан / Сўзбоши муал. ва масъул мух. С.Рафиъдин. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – 180 б.

24. Файзуллаев О. Нафс, жон ва рух / Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари. – Тошкент: Академия, 2005. – 124 б.

25. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / М.Кенжабек таржимаси. – Тошкент: 1997. – 176 б.

26. Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби) / Нашрга тайёрл. ва сўзбоши муал. А.Мадраимов. Ўзбек тилига айлант. М.Хасаний. Ҳ.Аминов. М.Хасаний, А.Мадраимов. – Тошкент: 2012. – 464 б.

27. Хисматулин А.А. Суфизм. – Санкт-Петербург: Петербургское Востоковедение, 1999 – 272 с.

28. Холмўминов Ж. Қиёсий тасаввуфшунослик. Монография. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ёш авлод матбаа, 2021. – 266 б.

29. Холмўминов Ж. Тасаввуф тарихи ва фалсафасига оид муҳим манба // Нақшбандия, 2012. - №1 (8). – Б.19-23.

30. Холмўминов Ж. Фалсафанинг сўниши ёхуд куппа-кундуз куни чироқ ёқаётган одам (сўнгсўз ўрнида) / Нарзулла Жўраев. Тахайюл, тасаввур, тафаккур. – Т: Янги аср авлоди, 2015. – Б. 195-218.

31. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – 96.

32. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир З.Исҳоқова. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 390 б.

33. Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси / Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: 2002. – 142 б.

34. Шодиев Р. Бахриева Д. Суфизм в духовной жизни народов Мавераннахра (X-XII вв.). – Самарканд, 2018. – 118 с.

35. Ислом. Энциклопедия. З.Хусниддинов таҳрири остида. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – 313 б.

**ЗАМИРАХОН ИСАҚОВА**

**ФАРИДИДДИН АТТОРНИНГ  
“ТАЗКИРАТ УЛ-АВЛИЁ” АСАРИДАГИ  
ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲЛАРНИНГ  
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Техник муҳаррир  
Зилолаҳон Тожибоева

Исақова З.Р. Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридаги тасаввуфий истилоҳларнинг изоҳли луғати. – Наманган, 2023. – 100 б.

